

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 355.233.11

РАЙИМОВ АЛИШЕР ХОЛДОРОВИЧ

**Коллеж ва лицейларда чқбт фанини ўқитишнинг
педагогик асослари**

5А 111501- Чақириққача ҳарбий таълим мутахассислиги
бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:
А. Болтабоев

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I-БОБ. ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЁШЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА.....	8

1. Чақириққача ҳарбий таълимфанини, ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш тизимининг таркибий қисми сифатидаги аҳамияти.....	8
2. Чақириққача ҳарбий таълим фанини режалаштириш жараёнида эътиборга олинishi лозим бўлган омиллар.....	29
3. Чақириққача ҳарбий таълим бўйича машғулотлар ўтказишнинг асосий шакл ва услублари, уларнинг ўзаро алоқалари таъминлаш усуллар.....	36
1-боб бўйича хулосалар.....	44

II. БОБ. МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛЛАШ ВА ЎТКАЗИШДА ТАЪЛИМНИНГ УСЛУБЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

1. Чақириққача ҳарбий таълим машғулотларини ташкиллаш ва ўтказишга қўйиладиган асосий талаблар.....	46
2. Ўқув юртларида чақириққача ҳарбий таълим фанининг ўқув-моддий базаси ва моддий-техник таъминотнинг машғулотлар самарадорлигига таъсири.....	53
2-боб бўйича хулосалар.....	70

III. БОБ. ТАДҚИҚОТ СИНОВ НАТИЖАЛАРИ

1. Экспериментал ва назорат гуруҳларида ЧҚБТ машғулотларида талабаларнинг ўзлаштириш ва сифат меъёрларини аниқлаш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари ва қиёсий таҳлиллар.....	71
--	----

ХУЛОСАЛАР.....	80
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	82
ИЛОВАЛАР.....	84

Кириш

Чақирикқача ҳарбий таълим услубиёти талабаларни ўқув юртлари учун чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари лавозимига тайёрлаш бўйича махсус фанларнинг асосийси бўлиб, талабалар томонидан ўқув юртларида чақирикқача ҳарбий таълим фанини ташкиллаш бўйича билим, кўникма ва малакалар олиш ва уларни такомиллаштириш мақсадида ўрганилади.

Чақирикқача ҳарбий таълим фани лицей ва касб-хунар коллежларида Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларига асосан ташкилланади ва олиб борилади ва ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Чақирикқача ҳарбий таълим услубиётини ўрганиш давомида талабалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат мудофааси ва уни ҳарбий агрессиялардан ҳимоя этиш борасидаги қоидаларини ўзлаштирадилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунларини, ҳарбий хизматчиларнинг маъмурий, интизомий ва жиноий жавобгарликлари тўғрисидаги қонунларни, Қуролли Кучлар турларини, уларнинг вазифаларини ўрганадилар.

Бундан ташқари талабалар ўқув юртларида чақирикқача ҳарбий таълим ва ҳарбий-ватанпарварликни ташкиллаш ва ўтказиш услубиётини ўрганадилар. Таълим жараёнида улар ўқув юртларида чақирикқача ҳарбий таълим дастурининг ҳар бир бўлими бўйича машғулотларни ташкиллаш ва ўтказишнинг энг илғор ва самарали услубларини ўзлаштирадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва

хукумати ёшларни Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларига доимий равишда ¹

катта эътибор бермоқдалар. Чақириқча ва чақириқ ёшидаги ўсмирларни Қуролли Кучлардаги ҳақиқий ҳарбий хизматга тайёрлаш дастурида,

ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш ишлари билан бевосита шуғулланувчи барча давлат идоралари, ташкилотлари ва мансабдор шахслар ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш ишларини тубдан ўзгартириш, унинг сифатини ошириш чораларини кўриши, Қуролли Кучларни ахлоқий-руҳий ва жисмоний жихатдан соғлом, Ватан ҳимоясини шараф билан бажаришга тайёр бўлган шахсий таркиб билан таъминлашлари керак. Бу ишларда халқимизнинг жанговар анъаналаридан, унинг қадриятлари ва удумларидан кенг фойдаланиш лозим.

Бу маъсулиятли вазифалар бутун жамият, энг аввало ўқув юртларининг педагогик жамоаси ва биринчи навбатда чақириқча ҳарбий таълим раҳбари зиммасидадир.

«Чақириқча ҳарбий таълим» йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалар учун чақириқча ҳарбий таълим услубиёти махсус тайёргарликнинг асосий фани бўлиб ҳисобланади. Чақириқча ҳарбий таълим услубиёти Давлат аттестациясига қўйилади. Махсус тайёргарлик бўйича услубий билим ва малакаларни талабалар 2 ва 4 курслардаги чақириқча ҳарбий таълим раҳбари лавозимидаги амалиёт вақтида ўзлаштирадилар.

Талабаларни махсус фанлар бўйича ўқитишда асосий эътибор ҳарбий-педагогик тайёргарликка, уларга чақириқча ҳарбий таълим

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” 1997 йил 29 августда тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларига абитуриентларни тест усулида ўқишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 мартдаги қарорига биноан тасдиқланган.

машғулотларини ўтиш бўйича амалий малакаларни сингдиришга қаратилади. Бугунги кундаги вазият ёшларнинг Чақириққача ҳарбий тайёргарлиги ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндошишни талаб қилмоқда. Чунки, мамлакатимизнинг равнақи, унинг эртанги кунги ҳавфсизлиги, айнан бугунги ёшлар зиммасидадир.

Шунинг учун ҳам бу ёшлар тоифаси билан ишловчи, уларнинг таълим ва тарбияси билан шуғулланувчи Чақириққача ёшлар тайёргарлиги раҳбарларига алоҳида талаблар қўйилади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ҳозирги вақтда ўқув юртларининг ЧҚБТ раҳбарлари фаолияти билан танишиб чиқилганда, аксарият ЧҚБТ раҳбарлари, фан бўйича машғулотларни ташкиллаш ва ўтказишда зарур бўладиган ҳужжатлар, уларни юритиш, машғулотларни режалаштириш тартиби, ҳозирги кунда машғулотларда фойдаланиш мумкин бўлган ўқитишнинг янги шакл ва услубларидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари, ҳамда анъанавий таълим методларининг зарур деб ҳисобланган турларини сақлаб қолиш ва уларни янги элементлар билан бойитиш масалаларида қийинчилик ва тушунмовчиликларга дуч келаётганлари маълум бўлмоқда. Шу каби муаммоларни ёритиб беришга бўлган ҳаракат, тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ҳозирги вақтда ўқув юртларининг ЧҚБТ раҳбарлари фаолияти билан танишиб чиқилганда, аксарият ЧҚБТ раҳбарлари, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича тадбирларни ташкиллаш ва ўтказишда зарур бўладиган ҳужжатлар, уларни юритиш, машғулотларни режалаштириш тартиби, ҳозирги кунда машғулотларда фойдаланиш мумкин бўлган ўқитишнинг янги шакл ва услубларидан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари, ҳамда анъанавий таълим методларининг зарур деб ҳисобланган турларини сақлаб қолиш ва уларни янги элементлар билан бойитиш масалаларида

кийинчилик ва тушунмовчиликларга дуч келаётганлари маълум бўлмоқда. Шу каби муаммоларни ёритиб беришга бўлган ҳаракат, тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти ва предмети.

Ўрта махсус касб хунар-коллежлари ва академик лицейлар, ҳамда ўрта умумтаълим мактабларида талаба ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мафкуравий ва услубий-методологик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси.

ЧҚБТ раҳбарлари ва ўқитувчилари учун методик ёрдам кўрсата оладиган маълумотга эга бўлиш ва ўқитишнинг замонавий технологияларини бевосита машғулотларда қўллай олишни йўлга қўйишга кўмаклашиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигига эришишда машғулотларни тўғри ва илмий асосда ташкил этиш, ҳамда уни мақсадга мувофиқ режалаштиришни йўлга қўйиш, қолаверса ЧҚБТ раҳбарлари ва ўқитувчилари учун методик ёрдам кўрсата оладиган маълумотга эга бўлиш ва ўқитишнинг замонавий технологияларини бевосита машғулотларда қўллай олишни йўлга қўйишга кўмаклашиш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.

Мавзу билан ишлаш давомида қуйидаги адабиётлар ва материаллардан фойдаланилди.

- ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар;
- асосий ва қўшимча адабиётлар, услубий қўлланмалар, тавсиялар;
- архив маълумотлари;
- даврий матбуот материаллари;
- интернет материаллари.

Тадқиқотда қўлланилган методлар.

Тарихий, фалсафий, маънавий, психологик, педагогик адабиётларни илмий-назарий жихатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш, меъёрий хужжатлар, кўрсатмалар, дастур ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш, педагогик таҳлил, сўровнома, суҳбат, тажриба – синов ишлари, математик-статистик таҳлил асосида натижаларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.

Ватанимиз мустақиллиги ва унинг чегараларини дахилсизлигини юксак даражада таъминлай оладиган ёш авлодни тарбиялашда, ЧҚБТ ва ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларини аҳамияти ва ролини ошириш, ўқув фанининг ташкилланиши ва режалаштиришда ЧҚБТ раҳбарларига методик ёрдам кўрсатиш ишларига ҳисса қўшиш, тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Ўқув муассасаларида ЧҚБТ фанини ташкиллаш ва режалаштиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари мавзуси Фарғона давлат университети ҳарбий кафедраси катта ўқитувчилари А.Акбаров, Ш.Тилаваолдиев, Ҳ.Рахмобердиев, Низомий номидаги ТДПУ ҳарбий кафедрасининг катта ўқитувчиси А.Ю.Сотволдиевлар томонидан ўрганилган. Бироқ мавзу муаллифларнинг умумий ҳажмда бажарган ишларининг таркибий қисмига мансуб бўлиб, айнан ушбу мавзуда алоҳида тадқиқотишлари олиб болилмаган.

Диссертация таркибининг қисқача таркиби.

Диссертация кириш, асосий қисмда учта боб, олти параграф, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

I-БОБ. ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЁШЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА.

I.1§. Чақириққача ҳарбий таълим фанини, ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида хизмат қилишга тайёрлаш тизимининг таркибий қисми сифатидаги аҳамияти

Ўзбек халқининг асрий орзуси ушланиб, мустақилликни қўлга киритган давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири-мустақил Ўзбекистоннинг мудофаасини мустаҳкамлаш ва миллий ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилди.

Бугунги кунда фаннинг энг яхши ихтиролари ҳарбий соҳада тез қўлланилиши ва тараққиётнинг юксак даражада ривожланганлиги шароитида, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш ишларининг аҳамияти ўз-ўзидан ошиб бормоқда. Халқаро терроризмнинг, сепаратчилик ҳаракатларининг кўп давлатларда авж олиши, глобал уруш хавфи баргараф бўлиб локал урушларни пайдо бўлиши аскарнинг рухий, жисмоний ва махсус тайёргарлигига янги талабларни қўймоқда. Ундан турли ҳолатларда ўзини муносиб тута олишни ва тезлик билан вазиятни тўғри баҳолай олишни, ҳамда энг тўғри қарорни қабул қила олишни, ўз ҳаракатларини бўлинма ҳаракатлари билан мослаштира олишни талаб қилмоқда. Янги техника воситалари жанговар ҳаракатлар олиб бориш хусусияти ва услубларини тубдан ўзгартирмоқда. Бу ҳозирги шароитда жанговар машиналарда, танкларда, самолёт штурвалларида, зенит – ракета комплексларда ҳарбий ва махсус тайёргарликка эга бўлган ҳарбий хизматчилар бўлиши керак деганидир.

Чақириққача ҳарбий таълим фани бу вазифаларни ижобий ҳал этишда, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимида ўз ўрнига эгадир. Чақириққача ҳарбий таълим фани биринчи марта 1919 йил ўқув

дастурига киритилган. 1939 йилдан чақирикқача ҳарбий таълим ўқув юртларида олиб борилган.

- 1962 йил чақирикқача ҳарбий таълим фани ўқув юртиларда бекор қилинган.

- 1967 йилдан чақирикқача ҳарбий таълим фани янги қонун асосида яна ўқитила бошланган.

Ёшларнинг чақирикқача тайёргарлигига умумий раҳбарлик ва назорат Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига ва Мудофаа Вазирининг ҳарбий таълим бошқармасига юклатилган. Чақирикқача ҳарбий таълимнинг назорати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигининг Бирлашган штаби, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгаши ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг режалари асосида олиб борилади.

Чақирикқача ҳарбий таълим фани Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонунига биноан ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган мажбурий давлат фанидир. Ушбу чақирикқача ҳарбий таълим фани битирувчи синфлар (курсларда) ўқитилади. Чақирикқача ҳарбий таълим дастури учун 140 соат ажратилган. Шулардан 18 соати битириш йили якуни арафасида ўқув дала-ийгинларида ўтилади. 1995 йили Ўзбекистон Республикасида «Чақирикқача ҳарбий таълим тўғрисида» ги Низом қабул қилинган.

Ёшларни Қуролли Кучлардаги ҳарбий хизматга тайёрлаш тўғрисидаги саволларнинг ечилиши Ўзбекистон Конституциясида ўз ечимини топган. ²Асосий қонуннинг 52-моддасида Ватан ҳимояси ҳар

² Чақирикқа қадар бошланғич тайёргарлик фани дастури.

бир Ўзбекистон фуқаросининг конституциявий бурчи эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни умумий ҳарбий мажбуриятнинг моҳиятини очиқ беради, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тартибини ва уни ўташ тартибини, Қуролли Кучларни тўлдириш тамойилларини ва армия учун резервлар тайёрлаш тартибини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни эса мудофаани ташкил этишни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, мамлакат мудофаасини ташкиллашда давлат органларининг, фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар иштирокини аниқлаб беради.

Чақириққача ҳарбий таълим бўйича машғулотлар ҳафтасига 2-соатдан, 2-3 курсларда ўтилади.

Чақириққача ҳарбий таълим курси бўйича олинган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш учун якуний босқичда мудофаа спорт соғломлаштириш лагерларида 3-кунлик ўқув-дала машғулотлари ўтказилади.

Ўқув-тарбиявий жараёнда ўқувчиларга Ўзбекистон Қуролли Кучларига нисбатан муҳаббат сингдирилади. Уларда мустақил ватан фуқароси эканлиги билан фахрланиш, унинг ҳимоясига доимо шай туриш каби сифатлар шакллантирилади.

**Ўқув юрти директори ва чхт раҳбари ўқувчи ёшларни
Ўзбекистон республикаси қуrolли кучларидаги ҳарбий хизматга
тайёрлаш бўйича ўқув тарбиявий жараённинг ташкилотчилари.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ватанни ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги ва шу мақсадда Қуrolли Кучлар тузилганлиги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун асосида Ўзбекистон фуқароларини давлат мудофааси бўйича мажбуриятлари айтиб ўтилган. Унда Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг қонуний бурчи эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Конституциянинг ушбу қоидалари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда ўрта махсус ўқув юртларида ёш авлодни Ватан ҳимоясига тайёрлаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсад йўлида, Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонуни асосида ўрта махсус ўқув юртлари дастурига киритилган чақириққача ҳарбий таълим фани хизмат қилиши керак.

Чақириққача ҳарбий таълим ўқув предмети сифатида ўқувчиларни, яъни бўлажак чақирилувчиларни ёш аскар курси ҳажмидаги билим, кўникма ва малакалар билан қуrolлантиришга, уларнинг ҳарбий – ватанпарварлик тарбиясини мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб боришга, ўқувчи ёшларда юксак сиёсий онгни, Ватан ҳимояси муқаддас эканлигини онгли равишда тушунишни, эътиқодли, матонатли ва жасур Ватан ҳимоячиларини тарбиялашга имкон яратади.

Бу вазифаларни бажариш ўқув юртлари, айниқса у ерда фаолият юритаётган чақириққача ҳарбий таълим раҳбарлари зиммасидадир. Чунки улар «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонуни асосида ўқувчи ёшларни чақириққача ҳарбий таълим ва ҳарбий - ватанпарварлик тарбиясини мақсадга

йўналтирилган холда олиб борадилар. Шу билан бирга ўқув юртларининг педагогик жамоалари ўқувчи ёшларни чақириққача ҳарбий таълим, ХВТ ва жисмоний тарбиясининг сифати ва самарадорлигини доимо оширишга ҳаракат қилишлари керак.

Ўқув юртларида чақириққача ҳарбий таълим фанининг сифати, унинг тарбиявий аҳамияти чақириққача ҳарбий таълим раҳбарининг ҳарбий ва педагогик билимлари даражасига, унинг мафкуравий сиёсий етуклигига, услубий маҳоратига, шунингдек, ўқув юрти директори ва педагогик жамоанинг бу йўналишдаги фаоллигига тўғридан- тўғри боғлиқдир. Маълумки, чақириққача ҳарбий таълим фанини ташкиллаш ва ўтказишда чақириққача ҳарбий таълим раҳбари марказий (асосий) шахс бўлиб ҳисобланади. У бевосита ўқув юрти директорига бўйсунди, унинг мажбуриятлари эса чақириққача ҳарбий таълимнинг меъёрий ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Ўқувчи - ёшларни ватан ҳимоясига тайёрлашда раҳбарлик роли ўқув юрти директорига тегишлидир. У ўқув юртида чақириққача ҳарбий таълим ва ХВТ ни юксак даражада ташкилланиши ва унинг таъминланишига жавоб беради. Бу вазифани ечиш учун у меъёрий ҳужжатларни, қоида ва талабларни, айниқса чақириққача ҳарбий таълим машғулотлари услубиётини яхши билиши керак.

Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари лавозимига номзодлар танлаш ҳам ўқув юрти директори мажбуриятлари доирасига киради. Амалдаги низомларга кўра, бу лавозимга номзодларни районлар, шаҳарлар, муҳофаа ишлари бўлимлари тавсия этади.

Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ўқув юртининг ўқув моддий техник базасини яратиш ва такомиллаштириш ва синфдан ташқари ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича тадбирларни ташкиллаш ва ўтказишда фаол иштирок этиши керак. Ўқув юрти директори чақириққача ҳарбий таълим раҳбарини унинг мажбуриятлари доирасига

кирмаган маъмурий хўжалик ишларига жалб этмаслиги керак. Чақириққача ҳарбий таълим ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини мураккаб вазифаларини муваффақиятли равишда ечиш кўп жихатдан чақириққача ҳарбий таълим раҳбарини касбий ва услубий маҳоратига боғлиқдир. Шундай экан, уни ўз мафкуравий, назарий ва ҳарбий билимларини, педагогик маҳоратини ошириш бўйича доимий фаолиятига шароит яратиб бериш, унга ўқув - услубий ёрдам кўрсатиш, ўқув юрти директорининг асосий вазифаларидан бўлиб ҳисобланади.

Шуни эсда тутиш керакки, чақириққача ҳарбий таълим раҳбари малакасини оширишнинг энг асосий услуби бу, мустақил равишда сиёсий, педагогик ва ҳарбий адабиётларни шунингдек, таълим ва тарбиянинг энг илғор тажрибаларини чуқур ўрганишдир. Бунинг учун унга ҳафтада услубий кун берилади. Мустақил таълим, одатда чақириққача ҳарбий таълим раҳбарининг йиллик иш режасида кўрсатиб ўтилади.

Чақириққача ҳарбий таълим бўйича ўқув жараёнини режалаштириш ва ташкиллаш чақириққача ҳарбий таълим дастури талабларига мувофиқ амалга оширилади ва уни тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаши керак.

Ўқув юрти директори қуйидагиларни белгилайди:

- Чақириққача ҳарбий таълим бўйича ўқув жараёнини бошланиши ва унинг якунини;
- Ўқувчиларни автоматдан жанговар патронлар билан ўқ отишга тайёргарлиги ва ҚВТ бўйича тадбирларни ўтказиш муддатлари;
- Чақириққача ҳарбий таълим бўйича ўқув жараёнини бошланишига бағишланган буйруқ мазмунини;
- Чақириққача ҳарбий таълим раҳбарига меъёрий ва режалаштирув ҳужжатларини ишлаб чиқишга кўрсатмалар беради.

Чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари директор раҳбарлиги остида чақирикқача ҳарбий таълимдан ҳафталар бўйича машғулотлар ўтиш режасини, ўқув жараёнини бошланиши, гуруҳ ва секцияларнинг командирларини тайинлаш бўйича буйруқ лойиҳаларини, шунингдек,³ чақирикқача ҳарбий таълим фани бўйича синфдан ташқари ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларини ташкиллаш ва ўқув-моддий техник базасини яратиш ва такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди.

Ҳафталар бўйича машғулотлар ўтиш режаси ҳар бир синф, гуруҳ учун алоҳида бир ўқув йилига тузилади. У шакли ва бўлимларни ўтиш тартиби билан чақирикқача ҳарбий таълим дастури талабларига мувофиқ бўлиши керак. Шу билан бирга ҳар ойга машғулотлар жадвалини тузиш, унда машғулотлар мазмунини кенг ёритиб бериш, уларни ўтказиш вақти ва жойини, шунингдек чақирикқача ҳарбий таълим фани бўйича синфдан ташқари ишлар ва тадбирлар кўрсатилиши тавсия этилади.

Директор буйруғида педагогик жамоа, чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари, жисмоний тарбия ва тиббий - санитар тайёргарлиги ўқитувчиларнинг ўқувчи ёшларни таълим ва тарбияси бўйича вазифалари кўрсатиб ўтилади, ўқувчилар учун тартиб қоидалари, чақирикқача ҳарбий таълим фани бўйича услубий кенгаш аъзолари таркиби ва уларни иш тартиби, чақирикқача ҳарбий таълим фани ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича асосий тадбирларни ўтказиш муддатлари белгиланади.

Ўқув юртининг йиллик иш режасига ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тадбирлари, чақирикқача ҳарбий таълим фани ўқув – моддий техника базасини такомиллаштириш бўйича таклифларни белгилашда,

³ А.Ақбаров, Ш.Тилаволдиев. “Чақирикқа қадар бошланғич тайёргарлик ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси”дан услубий тавсия. “Фарғона.” 2005 йил.

чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари бу ишларда педагогик жамоа, Ватанпарвар ташкилоти ва бошқа хомий ташкилотлар ва идоралар иштирокини ҳам унутмаслиги керак.

Ўқув юрти директорини гуруҳ ва секция командирларини тайинлаш тўғрисидаги буйруғида гуруҳ рақамлари ва уларни командирлари кўрсатиб ўтилади, ўқувчилар томонидан ҳарбий муомала ва ўрнатилган кийим-бош қоидаларига риоя этиш мажбурий эканлиги таъкидлаб ўтилади. Бундан ташқари буйруқда, гуруҳ ва секция командирларини ҳарбий интизомни сақлаш ва ўқув моддий техник базани такомиллаштириш бўйича вазифалар кўрсатилади.

Ўқув юрти директорини машғулотларни ташкиллаш ва ўтказишдаги роли каттадир. Маълумки у машғулот режасини тасдиқлаши керак. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, аксарият директорлар машғулотларни ташкиллашда чақирикқача ҳарбий таълим раҳбарига яқиндан ёрдам берадилар. Лекин, шу билан бирга шундай директорлар ҳам борки, улар чақирикқача ҳарбий таълим раҳбарига услубий ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳаттоки машғулот қандай ўтказилаётганлиги билан ҳам қизиқишмайди. Бу эса ўз навбатида директорни ўз мажбуриятларини бажармасликка олиб келади. Ўқув юртларида бундай ҳолат асло бўлиши мумкин эмас.

Директор ва чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари режада қуйидагилар кўрсатилишини эсда тутишлари керак:

- ҳар бир гуруҳ билан дастурнинг қайси бўлимлари бўйича машғулотлар ўтказилиши;
- мавзунинг номланиши, машғулотни тартиб рақами ва мазмуни;
- ўқув ва тарбиявий мақсадлар, машғулотга ажратилган вақт;
- машғулотни ўтказиш услуби ва жойи;
- фойдаланиладиган адабиёт ва қўлланмалар;
- машғулот раҳбари ва ўқувчилар ҳаракати;

- мустақил тайёргарлик учун вазифалар;

Машғулот режасини ўқув юрти директори яқиндан танишиб чиқиши ва керакли услубий ёрдам кўрсатиши учун унга машғулот ўтказилишидан 7 кун аввал тақдим этиш керак.

Ўқув юрти директори ва чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ўқотиш машқларини ўтказишга алоҳида эътибор беришлари керак. Масалан, кичик калибрли винтовкалардан бошланғич машқни бажаришга чақириққача ҳарбий таълим раҳбарининг баҳосига кўра, бунга тайёр бўлган ўқувчилар қўйилади. Қолган ўқувчилар эса, машқни бажаришга тайёр бўлганларидан сўнг дарсдан ташқари вақтда уни бажарадилар.

Ўқув дала машғулотларини ташкиллаш ва ўтказиш ҳам директор ва чақириққача ҳарбий таълим раҳбари томонидан алоҳида диққат ва эътибор кўрсатилишини талаб қилади. Бу машғулотларни Мудофаа спорт соғломлаштириш оромгоҳида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Хокимият ва халқ таълими бўлимлари қарорига асосан, ўқув дала машғулотларига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилади, ва у директор томонидан тасдиқланади. Агар дала машғулотлари ҳарбий қисмда ўтказилса, у холда режа унинг командири билан келишилган холда ишлаб чиқилади.

Режа ўқув юрти директори, унинг ўринбосарлари, чақириққача ҳарбий таълим раҳбари, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари бажариши керак бўлган аниқ вазифаларни ўз ичига олади ва унда уларни бажарилиш муддатлари белгиланади. Ўқув дала машғулотларига ҳарбий қисмлардан ҳарбий хизматчиларни жалб этиш, раҳбарларни захирадаги ўқитувчи офицерлар таркибидан тайинлаш, улар билан услубий машғулотлар ўтказиш каби масалалар мудофаа ишлари бўлимлари билан биргаликда амалга оширилади.

Ўқув дала машғулотларини ўтказиш ҳақидаги буйруқ, уни бошланишидан бир ой аввал чиқарилади ва унда йиғинни ўтказилиш вақти, тантанали сафланиш, ўқувчилар, гуруҳ ва секция командарларининг фамилиялари, ўқувчиларни йиғин жойига олиб бориш ва машғулотлар ўтиш тартиби, шунингдек, хавфсизлик қоидалари кўрсатиб ўтилади.

Ўқув дала йиғинидаги машғулотлар жадвали Мудофаа спорт соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи томонидан тасдиқланган ўқув объектларидан фойдаланиш графигига асосан тузилади.

Кун тартиби эрталабки жисмоний машқ, ўқув машғулотларини, мустақил тайёргарлик, тарбиявий ва оммавий спорт ишлари, қурол тозалаш, асбоб-анжомларни жихозлаш, овқатланиш, шахсий вақт, кечки сайр ва йўқлама учун вақтларни ўз ичига олиши керак.

Ўқув-моддий техник базасини яратиш ва уни такомиллаштириш ўқув юрти директори ва чақириққача ҳарбий таълим раҳбарининг алоҳида диққатига сазовор бўлган масаладир. Чунки, унинг ҳолати чақириққача ҳарбий таълим машғулотлари самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўқув юртларида ўқув-моддий техник база ҳолатини текшириш жараёнида шу нарса маълум бўляптики, барча ўқув-юртларида ҳам ўқув-моддий техник базасидан талаб даражасида фойдаланилмайди. Масалан, баъзи ўқув юртларида ўқув моддий техник базани барча элементлари яратилган, лекин улар машғулотлар давомида фойдаланилмайди. Бу ўқув моддий техник базани фақат текширувчилар учун эканлигидан далолат беради. Айрим ўқув юртларида эса жихозланган ўқув жойлари умуман йўқ, хатто амалий машғулотлар ҳам чақириққача ҳарбий таълим хонасида ўтилади. Ўқув моддий техник базага бундай ёндошиш ўз навбатида чақириққача ҳарбий таълим машғулотлари самарадорлигини кескин пасайишига олиб келади. Ўқув юртлари директорлари бундай

холоатга йўл қўймасликлари керак ва ўқув моддий техник базани яратилиши ва ундан талаб асосида фойдаланилишини ўз назоратлари остига олишлари лозим.

Бўлажак жангчиларини юксак даражада тайёрланишини таъминлаш учун чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва дарсдан ташқари вақтда ҳарбий - ватанпарварлик ва оммавий спорт ишларини олиб боровчи шахсларни ташкилий ва услубий ҳаракат ва кучларини бирлаштириши зарур. Бунинг учун ўқув юртида чақирикқача ҳарбий таълим, жисмоний тарбия ва тиббий санитар тайёргарлик бўйича услубий кенгаш тузилади ва унга директор раҳбарлик қилади.

Услубий кенгаш таркибига юқорида айтиб ўтилган шахслардан ташқари, директорнинг ўқув тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари, ўқув юртининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Ватанпарварлик» ташкилотларини раислари киради.

Услубий кенгаш раиси бўлиб, одатда чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари тайинланади.

У услубий кенгашни йиллик иш режасини ишлаб чиқади, ўқув юртининг бошқа услубий кенгашлари билан ҳамкорлик қилади, кенгаш аъзолари билан машғулотлар, очиқ ва кўрғазмали дарслар ташкиллайди.. Долзарб муаммолар бўйича муҳокамалар, мажлислар ўтказиш, қабул қилинган қарор ва тавсияларни кенгаш аъзолари томонидан бажарилишини назорат қилади ва комиссия иши бўйича педагогик кенгаш олдида ҳисобот беради.

Услубий комиссия аъзолари қабул қилинган қарор ва тавсиялар ижросини таъминлайдилар, очиқ ва кўрғазмали дарслар ўтказилади, комиссия кенгаши педагогик конференцияларда докладлар қиладилар, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини самарасини ошириш бўйича таклифлар киритадилар.

Услубий комиссия ҳар икки ойда тадбирлар ўтказиб туради. Бу тадбирларни ўтказиш вақти директор буйруғи билан белгиланади.

Услубий комиссия ишининг натижаси бўлажак аскарларнинг таълим ва тарбиясининг қандай даражада эканлигига қараб белгиланади.

Услубий комиссияни ҳужжатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- директор томонидан тасдиқланган чақириққача ҳарбий таълим, жисмоний тарбия ва тиббий санитар тайёргарлик бўйича иш режалари;
- дарс режалари, услубий қўлланмалар, докладлар, услубий комиссия қарор ва тавсиялари, ҳисобот ҳужжатлари;

Ўқув юрти директори ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини таркибий қисми бўлган чақириққача ҳарбий таълим фани бўйича синфдан ташқари ишларни такомиллаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиши керак.

Ўқув юртида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини олиб бориш бўйича мажбуриятлар қуйидагича тақсимланиши мумкин:

Ўқув юрти директори педагогик жамоа ва жамоа ташкилотлари фаолиятини бошқаради, уларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича ишларига раҳбарлик қилади, асосий тадбирларни режалаштиради, уларнинг бажарилишини ташкиллайди ва назорат қилади;

Ушбу ишлар бўйича масалаларни педагогик кенгаш йиғилишига қўяди.

Директорнинг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:

Синф раҳбарлари ишларини ташкиллайди ва назорат қилади, уларга ўқувчилар билан ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ишларини ташкиллашда услубий ёрдам кўрсатади;

Бу ишлар бўйича ёшлар ташкилотларига ёрдам беради ва чақириққача ҳарбий таълим раҳбари билан доимий ҳамкорликда бўлади. Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари директорнинг ўқув

тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари билан биргаликда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тадбирларини режалаштиради;

- гуруҳ мураббийи ва жамоатчилик ташкилотлари бошлиқларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади. Оммавий мудофаа тўғараклари ишларига раҳбарлик қилади;

- ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тадбирларига хомий ташкилотларни жалб қилишни йўлга қўяди;

- 1-2 Оммавий мудофаа тўғаракларида машғулотлар олиб боради.

Гуруҳ мураббийи ўз гуруҳида талабаларининг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича ишларни олиб боради ва чақириқча ҳарбий таълим раҳбарига бу ишларни режалаштириш ва ўтказишга ёрдам беради.

Фан ўқитувчиси ўз фани бўйича ўқув материалларидан ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мақсадида фойдаланади ва назарий конференциялар, учрашувлар ўтказади. Унга бу ишларда чақириқча ҳарбий таълим раҳбари ва услубий комиссия ёрдам беради.

Чақириқча ҳарбий таълим бўйича синфдан ташқари ишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- гуруҳ ва секция командирлари билан машғулотлар ўтказиш;

- чақириқча ҳарбий таълим фани бўйича гуруҳ ва якка тартибдаги маслахатлар;

- “Алпомиш” ва “Барчиной” махсус тест синовларини топшириш;

- ⁴- ўқувчиларни «Шунқорлар» ҳарбий – спорт ўйинларига тайёрлаш, командалар ва командирлар билан машғулотлар ўтказиш;

- спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича мусобақалар ўтказиш;

- ҳарбий қисмларга экскурсиялар уюштириш;

⁴ И.Й Турсунов, У.Н Нишоналиев. “Педагогика курси.” “Тошкент.” 1997 йил.

Чақирикқача ҳарбий таълим фани бўйича меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ директор чақирикқача ҳарбий таълим фани бўйича машғулотлар ўтишини ва ўқувчилар томонидан ўқув материалларини ўзлаштирилишини назорат қилади, шунингдек, ўқув қуроли, кичик калибрли винтовкалар ва ўқ-дориларни сақланишини, техник ҳолатини ва ҳисоботини текширади.

Ўқув машғулотларини директор томонидан текширилиши, чақирикқача ҳарбий таълим раҳбарига услубий ёрдам кўрсатиш билан биргаликда олиб борилиши керак. Машғулотларни текширишни шундай режалаштириш керакки, бунда йил давомида дастурнинг ҳар бир бўлими бўйича машғулотлар текширилиши лозим. Текширув давомида ўқув ва тарбиявий мақсадларни, ўқитиш услубларини, уларни мавқуравий ва тарбиявий аҳамиятини, моддий таъминотини, вақтни тақсимланишини, ўқув материални тўлиқ ёритилишини, уни бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини, дастур талабларига мувофиқлигига, амалий машқ ва услублар намоишига, ўқувчилар томонидан ҳарбий низом ва интизом талаблари қандай бажарилаётганлигига эътибор қаратиш керак.

Ўқувчилар томонидан ўқув материаллари қандай ўзлаштирилганлигини қай тарзда текшириш мумкин?

Директор (ёки чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари унинг топшириғи билан) ўқувчиларга саволлар беради ёки бирор амалий ҳаракатни бажаришни сўрайди. Бунда берилган жавоб ва бажарилган ҳаракат ёки усул баҳоланади. Шунингдек, директор томонидан ўқувчиларни ҳарбий кийим-бош қоидалари, ҳарбий интизом талаблари ва навбатчи (посбон) мажбуриятларини қандай бажараётганликларини кундалик тарзда кузатиб бориш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Текширув натижалари, ҳулоса ва таклифлар директор томонидан ўз иш дафтарида ёки газорат журналларида қайд этилиб борилади.

Чақирикқача ҳарбий таълим бўйича ўқув тарбиявий ишларнинг йиллик якуни апрел-май ойларида чиқарилади. Ўқув юрти педагогик кенгаши йиғилишига доклад тайёрланади. Унда чақирикқача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия фанларининг ўқитилиш сифати, ўқувчилар дастур материалларини қандай ўзлаштирганликлари, уларни «Алпомиш ва Барчиной» махсус тест синовларини топшириш бўйича тайёргарлик даражалари таҳлил қилинади. Докладда ўқув-моддий база ҳолати, ўқувчиларнинг интизоми ва уюшқоқлик даражаси, услубий комиссия ишининг самарадорлиги баҳоланади. Шунингдек, дарслар, дарс ва синфдан ташқари вақтларда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тадбирлари қандай амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилади. Доклад директор, чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан тайёрланади. Педагогик кенгаш материаллари чақирикқача ҳарбий таълим бўйича таълим якуни тўғрисидаги директор буйруғи асосини ташкил этади, унда дастурнинг бажарилишига баҳо берилади, хулосалар чиқарилади, янги ўқув йили учун педагогик жамоа ва ўқувчиларга аниқ вазифалар қўйилади.

Ҳарбий-спорт байрамлари ўқув йилини якунлашни ва ҳарбий билимларни ташвиқот қилишни муҳим шакли бўлиб ҳисобланади. Унда ўқувчилар чақирикқача ҳарбий таълим машғулотларида олган билим, кўникма ва малакаларини намоёниш этиб, ўзларини жисмоний жихатдан қай даражада тайёр эканликларини кўрсатадилар. Ҳарбий – спорт байрамларини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисидаги буйруқ уни ошланишидан 2-3 ой аввал директор томонидан чиқарилади ва байрам режаси тасдиқланади.

Ўқув йили якунлангандан сўнг, директор туман (шаҳар) мудофаа ишлари ва халқ таълим бўлимларига ўқувчиларнинг чақирикқача ҳарбий таълим ва ХВТ си ҳолати тўғрисида ҳисобот беради.

Хисоботда шартли равишда дастурнинг бажарилганлиги, директор томонидан ўрганилган маълумотлар, улардан чиқарилган хулосалар, чақириққача ҳарбий таълим ўқув - моддий техника базасини ҳолати кўрсатиб ўтилади.

ЧХТ раҳбари чақириққача ёшларни ахлоқий - сиёсий ва руҳий сифатларини, уларни интизомлилиги ва бажарувчанлигини ўрганиш ва шакллантириш бўйича гуруҳ ва дарсдан ташқари ишлари. ЧХТ раҳбари лавозимини қабул қилиш тартиби.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларининг самарадорлиги кўп жihatдан чақириққача ҳарбий таълим раҳбари томонидан ўсмирларни ёш хусусиятларини ҳисобга олишга, яъни педагогик фаолият объектининг ўзига хос томонлари ҳақидаги билимларига боғлиқдир.

Чақириққача ҳарбий таълим раҳбарини педагогик таъсир объекти, бу- Қуролли Кучлар сафини тўлдиришга тайёрланаётган ёшлардир.

Чақириққача ҳарбий таълим раҳбарининг педагогик фаолияти натижалари бўлажак жангчиларнинг руҳий қиёфасига албатта ўз таъсирини кўрсатади.

Педагогик объектнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бир вақтни ўзида ўқув, меҳнат ва жамоат фаолияти субъекти бўлиб ҳисобланади, у ўз мақсадига, унга эришиш воситаларига ва уларни амалга ошириш имкониятларига эгадир. Педагогик таъсир объектини, унинг руҳиятини ривожланиш қонуниятларини ҳар томонлама билиш, чақириққача ҳарбий таълим раҳбарига ўсмирларни ички маънавий дунёсига чуқур кириб боришига, таълим ва тарбия ишларини янада самарали олиб боришга имкон беради.

Чақирикқача ёшлар ҳарбий хизматга тайёрлашнинг объекти ва субъекти сифатида уч томонлама, яъни ижтимоий, руҳий ва биологик жihatлардан тафсивланиши мукин.

Шуни назарда тутиш керакки, бу ерда сўз инсонни дунё қараши, ахлоқий ғояларни шаклланаётган, ўсмир ўзи ва бошқаларни яхши тушуна бошлаган, ҳаётда ўз ўрнини топишга ва келажакка интилиб яшаётган давр ёши ҳақида кетмоқда. Бу вақтда шахснинг руҳий ҳолатида қарама - қаршиликлар бўлиб, унинг юриш - туриши ҳамма вақт ҳам тартибли равишда бўлмайди. Бундай ҳолатларда ўсмир жасорат ҳам, интизомлилик намунасини ҳам кўрсатиши, шу билан бирга оддий юриш - туриш қоидаларини бузиши ҳам мумкин.

Ҳарбий хизматга чақирик ёшида ўсмирнинг марказий нерв системаси шаклланиб бўлади ва гавданинг барча органларини, шунингдек, организмнинг ташқи муҳит билан тез ва аниқ ўзаро ҳамкорлигини, бош миёда мураккаб шароитларда рефлексларни ҳосил бўлишини таъминлаб беради. Шундай бўлсада, организмдаги биохимик ва физик жараёнларни тезлиги, шунингдек, ҳаётий тажрибанинг етарли эмаслиги сабабли, организмда қўзғалиш жараёни тормозланиш жараёнларидан устун туради.

Павлов шундай деган эди:

Ёшларни тарбиялаш-бу энг аввало уларда тормозланиш жараёнларини шакллантиришдир. Чунки бу ёшдаги инсонларнинг ақлий фаолиятини муҳим жараёнлари жуда яхши ривожланган. Бу ёшда хотира жуда катта имкониятларга эга бўлади, тасаввур эса образларни хилма - хиллиги ва бойлиги билан ажралиб туради. Фикрлашда воқеаларни таҳлил қилиш,⁵

уларни қимсларга ажратиш устун бўлади. Нутқ ўзининг ифодалилиги, эмоционаллиги, шунингдек, фикрларни тартибли ва аниқ

⁵ ЧҚБТ дастури, “Ҳарбий иш асослари ” бўлими 2-мавзу, 2-машғулот

баён қилишга интилиши билан тафсивланади. Ақлий фаолият асосида махсус қобилиятлар тез ривожланиб боради.

Лекин бу ёшда шундай ўсмирлар ҳам учрайдики, уларнинг дунёқараши аллақачон шаклланиб бўлади. Уларда ҳаётий тажрибани етарли эмаслиги, сабабли жамият ҳаётидаги ҳолатлар ҳақидаги тасаввурлар юзаки, баъзан хато ҳам бўлади. Бундай ҳолат чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ва ўқув юртининг бутун педагогик жамоасидан ўсмирларнинг дунё, жамият ривожланиши қонуниятлари ва уларнинг дунё қарашилини бир тизимга солиш, уларни сиёсий ва табиий - илмий билимлар билан қуроллантиришга, уларни тўғри йўналишга бошлашга катта эътибор беришларини талаб қилади. Чунки, вояга етиш даврида олинган билимлар ўзлаштирилган кўникма ва малакалар кўпчилик инсонларда бир умрга сақланиб қолади. Ўсмирларни муҳим хусусиятлари-бу уларни ўз шахсига, ўзининг фикрлари, хиссиётлари, ўйларига кучли қизиқишдир. Бу ўз-ўзини аниглашни тўла ривожланганлигидан далолат беради. Ўз фаолияти ва хусусиятларини баҳолаш асосида ўсмирларда ўз-ўзини тарбиялашга эҳтиёж пайдо бўлади.

Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ўсмирларни бундай ҳаракатларини ўз вақтида қўллаши ва уни бўлажак жангчини ҳарбий ватанпарварлик тарбияси билан боғлаб олиб бориши керак.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, бу ёшда аксарият ўсмирлар катталар билан мулоқотда самимий ва тўғрисиўз бўладилар. Улар ўз ишини пухта билган, иродали, ғамхўр чақириққача ҳарбий таълим раҳбарларини ҳурмат қиладилар, уларни кўрсатмаларини, маслаҳатларини олишга ҳаракат қиладилар.

Ўсмирлар 17-18 ёшга кирганда уларнинг жисмоний ривожланиши энг юқори чўққига чиққан бўлади. Бу уларга катта жисмоний юкларни

кўтаришга, жанговар техника ва қуролларни ўрганиш бўйича мураккаб ҳаракатларни, кўникма ва малакаларни тез ўзлаштиришга имкон беради.

Ўсмирлик ёшида организм жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга эҳтиёж сезади. Лекин шундай ўсмирлар ҳам борки, уларда спорт билан шуғулланишга умуман истак йўқ. Аксарият ҳолларда бунга бундай ўсмирлар ўзига ишонмаганлиги, ўз қобилиятларини баҳолай олмаганлиги сабаб бўлади. Бундай ўсмирларга чақириққача ҳарбий таълим раҳбари албатта ёрдам бериши керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек, чақириққача ҳарбий таълим раҳбари мажбуриятларига ўқув юрти педагогик жамоаси билан ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва оммавий мудофаа ишлари бўйича гуруҳдан ва дарсдан ташқари ишларни ўтказиш ҳам киради. Дарсдаги ўқув жараёни чақириққача ҳарбий таълим фани бўйича ўқитишнинг асосий шакли бўлиб ҳисоблансада, ундан ташқари ўқитишни яна бошқа турли туман шакллари ҳам мавжуд.

Гуруҳдан ва дарсдан ташқари ишлар дейилганда, чақириққача ҳарбий таълим раҳбари педагогик жамоа ва ўқувчиларни уюшмалари томонидан ўтказиладиган турли хил ўқув-тарбиявий ишлар тадбирлари тушунилади. Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ўқув юртида туман, шаҳар миқёсида ёшларнинг ҳарбий – амалий спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларида, «Шунқорлар» ҳарбий - спорт ўйинларини ташкиллаш ва ўтказишда, шунингдек, ўқувчилар томонидан «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини топширилишини ташкиллашда фаол қатнашади.

Гуруҳдан ташқари ишлар вақтида чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ўқувчилар ўртасида ҳарбий билимлар ва офицерлик касби бўйича ташвиқот ишларини олиб боради.⁶

⁶ А.Ақбаров, Ш.Тилаволдиев. “Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси”дан услубий тавсия. “Фарғона.” 2005 йил.

Ҳарбий касбларга қизиққан ва ҳарбий билим юртига киришни хоҳлаган ўқувчилардан ҳарбий билим юрти учун номзодлар танлайди ва уларни ҳар томонлама тайёрлайди. Дарсдан ташқари вақтларда чақириқча ҳарбий таълим раҳбари ўқувчилар билан машғулотларни чақириқча ҳарбий таълим хонасида ташкиллайди, уларга чақириқча ҳарбий таълим бўйича маслаҳатлар беради, ўқувчиларни ўқув - моддий базасини яратиш ва такомиллаштиришга жалб этади.

Ўқув йили якунида чақириқча ҳарбий таълим раҳбари чақириқча ҳарбий таълим бўйича ўқув жараёнини якунланишига бағишланган ҳарбий - спорт байрамини ўтказиш бўйича асосий ташкилотчи бўлади.

Мамлакатимиз ўқув юртида ўқувчилар билан гуруҳдан ташқари вақтларда турли шакл ва услубларда чақириқча ҳарбий таълим ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ўтказиш бўйича катта тажрибалар тўпланган чақириқча ҳарбий таълим раҳбари учун бу ерда асосий вазифа - бу тадбирларни тартибли равишда, ўқувчи ёшларни уларни тайёргарлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда ва педагогик талаблар асосида ўтказишдир.

Талабалар учун эса асосий вазифа - чақириқча ҳарбий таълим услубиёти ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ўрганишда педагогик ва психология бўйича билимларга таянган ҳолда бу тажрибаларни ўзлаштиришдир.

Баъзан ёш мутахассислар олий ўқув юртини битирганларидан сўнг ўқув юртига келиб, ўз мажбуриятларини яхши билмасликлари сабабли, чақириқча ҳарбий таълим лавозимини қабул қилишда жуда қўпол хатоларга йўл қўядилар ва бунинг оқибатида моддий

жавобгарлик, айрим холларда эса хатто жиноий жавобгарликка тортилиш каби кўнгилсизликларга дуч келадилар.

Бундай холлар юз бермаслиги учун, чақириққача ҳарбий таълим бўйича ёш мутахассис давозимни қабул қилиш тартибини билиши шарт.

Бу қуйидагилардан иборат:

Барча ҳисобот ва режалаштирув ҳужжатлари билан танишиш, агар бирор бир ҳужжат етишмаса таъминот органларига бориб, улардаги ҳисобот материаллари билан солиштириши керак. Ўқув юртидаги барча асбоб - анжомлар, ўқув - қуроллари, техник кўргазмали воситалар ва адабиётларни рўйхат бўйича, шунингдек, ўқув моддий базаси ва унинг ҳолатини текшириш керак.

Қабул қилингандан сўнг 4 - нусхада акт тузилади ва бу актлар ўқув юрти директори томонидан тасдиқланиши керак.

Агар қабул қилинаётган нарсалар кам ёки ортиқча бўлса, маъмурий текширув ўтказилади ва шунга мувофиқ ҳулосалар чиқарилади.

Лавозимга янги тайёрланган чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ўқув юрти директори билан суҳбатда бўлиб, ўқув юрти билан умумий тарзда танишади, унинг тарихи ва ўқувчилар ҳақида маълумотлар олади. Шундан сўнг ўқув юртининг навбатдаги педагогик кенгашида директор педагогик жамоага янги чақириққача ҳарбий таълим раҳбарини таништиради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни яна таъкидлаш керакки, чақириққача ҳарбий таълим фанининг ўқитишдаги ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини олиб боришдаги муваффақият биринчи навбатда чақириққача ҳарбий таълим раҳбарини юксак касбий малакасига, ўқув юрти директорининг ташкилотчилик қобилиятига ва бутун педагогик жамоани мақсадга йўналтирилган уюшган ҳолдаги ишларига боғлиқ бўлади.

1.2§. Чақирикқача ҳарбий таълим фанини режалаштириш жараёнида эътиборга олинishi лозим бўлган омиллар

Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Чақирикқача ҳарбий таълим бўйича ўқув жараёнини ташкиллашда Чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари томонидан ишлаб чиқиладиган асосий ҳужжатлар, уларнинг шакл ва мазмунлари.

Чақирикқача ҳарбий таълим ёшларни Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимининг таркибий бир қисмидир. Халқ таълими бўлимлари ва ўқув юртлири маъмуриятлари чақирикқача ҳарбий таълим фани ва ҳарбий - ватанпарварлик тарбияси ишларини юқори савияларда ташкил этилиши ва ўтказилиши, бунинг натижасида эса, ўқувчилар ёш жангчи курси ҳажмидаги билим ва малакаларга эга бўлишларини таъминлашлари керак.

Чақирикқача ҳарбий таълим машғулотлари давомида ўқувчилар Ватан ҳимояси учун зарур бўлган ҳарбий иш асослари бўйича етарлича билим ва малакаларни эгаллаши, Қуролли Кучлар сафидаги хизматга чақирилган вақтда эса, бу билимлардан фойдаланган ҳолда, қисқа муддатларда замонавий жанговар техника ва қуроллардан фойдалана олишни, уларни асраш ва созлаш қоидаларини ўзлаштириб олишлари керак.

Чақирикқача ҳарбий таълим машғулотларининг сифати ва уларнинг тарбиявий аҳамияти тўғридан-тўғри чақирикқача ҳарбий таълим раҳбарининг ҳарбий ва педагогик маҳорати даражасига, унинг сиёсий-мафкуравий етуклигига ва услубий малакаларига боғлиқ бўлади.

Чақирикқача ҳарбий таълим машғулотларини сифатли бўлиши учун самарали ўқитиш воситалари, илмий асосда ташкил этилган ўқитиш тизими, машғулот шакллари ва услублари бўлиши зарур.

Чақирикқача ҳарбий таълим бўйича ўқув жараёни чақирикқача ҳарбий таълим дастури, меъёрий ҳужжатлар ва ўқув-услубий

кўрсатмаларга мувофиқ, чақириққача ҳарбий таълим раҳбари томонидан режалаштирилади ва ташкилланади.

Чақириққача ҳарбий таълим дастурида ҳарбий таълим бўлимлари, бўлимлар бўйича ўқув соатлари, машғулот турлари ва ўқув топшириқлари белгилаб қўйилади.

Чақириққача ҳарбий таълим дастурини режалаштиришнинг асосий вазифаси, ўқувчилар ўқув жараёнида ўзлаштиришлари керак бўлган билим, кўникма, малакалар, ахлоқий-сиёсий ва жанговар сифатларни оптимал даражасини белгилашдан иборатдир.

Чақириққача ҳарбий таълим бўйича ўқув-тарбиявий жараёни режалаштириш, бошқа фанларга қўйилган талаблар қандай бўлса, худди шундай талаблар асосида олиб борилади ва дидактиканинг асосий тамойиллари билан белгиланади.

Ўрта махсус билим юртларида Чақириққача ҳарбий таълим дастурига 140 ўқув соати ажратилади. Чақириққача ҳарбий таълим дастурини режалаштиришни ўзига хос хусусиятлари бор. Дастур қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Амалий-жисмоний тайёргарлик;
2. Саф тайёргарлиги;
3. Фуқаролар ҳимояси;
4. Ҳарбий иш асослари;
5. Ҳарбий хизмат асослари;
6. Тиббий билим асослари.

«Чақириққача ҳарбий таълим» курсининг

Бўлимлари бўйича ўқув соатлари т а қ с и м о т и

т/р	Бўлимларнинг номи	Ўқув соатларининг умумий миқдори	Таълимнинг биринчи йили	Таълимнинг иккинчи йили	Ўқув-дала машғулотлари
1	Кириш	2	2	--	--
2	Амалий-жисмоний тайёргарлик	25	13	12	--
3	Отиш тайёргарлиги	24	13	9	2
4	Фуқаро ҳимояси	27	15	12	--
5	Ҳарбий иш асослари	21	4	13	4
6	Ҳарбий хизмат асос-лари	23	7	6	--
7	Тиббий билим асослари (ҳарбий-тиббий тайёргарлик)	6	6	--	--
8	Назорат машғулотлари	12	--	--	12
Жами:		140	70	52	18

Илова: **Фуқаро ҳимоясидан назорат машғулотлари (2 соат) ўқув дастури** яқунлангандан сўнг, биринчи ўқув йили охири ёки иккинчи ўқув йили бошида ўтказилади.

Бу бўлимларни ҳар бири ўқув машғулотлари тизимини қунт билан режалаштиришни талаб этади.

Дарсдан ташқари вақтларда ҳар ҳафтада “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинлари дастури бўйича машғулотлар, ҳар ойда эса, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмларни намойиш қилиш ва оммавий-мудофаа ишлари тўғрақларидаги машғулотлар режалаштирилади.

Ўқув режасини тузишда маҳаллий шароит ва ўқув-моддий база ҳолатини ҳам ҳисобга олиш керак. Ўқув юрти директориға баъзи вақтларда шароитлардан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий мудофаа ишлари ва халқ таълими бўлимлари билан келишилган вазиятда, айрим ўқув бўлимларини ўрганиш тартибини ўзгартиришға руҳсат берилади. Шундай бўлсада, бўлимлардаги ўқув соатлари ҳажми ва мазмуни ўзгартирилмайди.

Ўқув юрти директори ўқув жараёни ташкиллашда Чақириққача ҳарбий таълим бўйича ўқув жараёни бошланиши ва якунланишини белгилайди. Взвод ва бўлинма командирларини тайинланганлиги, ўқотиш бўйича машғулотлар ўтказиш ҳақидаги буйруқларни чиқаради. Чақириққача ҳарбий таълим дастурини режалаштириш бўйича чақириққача ҳарбий таълим раҳбарига кўрсатмалар беради.

Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари директор раҳбарлиги остида чақириққача ҳарбий таълимдан ҳафталар бўйича машғулотлар режасини, ўқув жараёнини бошланиши, взвод ва бўлинма командирларини тайинланганлиги ҳақидаги буйруқлар лойиҳаларини тайёрлайди, шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик, дарсдан ташқари ишлар, ўқув-моддий базасини такомиллаштириш бўйича таклифларни киритади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Машғулотларнинг ойлик жадвали, унда машғулот мазмуни, вақти ва ўтказиш жойи, шунингдек, дарсдан ташқари тадбирлар белгиланади;

2. “Ўқув юртида чақириқча ҳарбий таълим, жисмоний тарбия ва тиббий тайёргарлик бўйича ишларни ташкиллаш ва ўтказиш бўйича услубий комиссия тузилиши тўғрисида”ги буйруқ; бу буйруқда педагогик жамоанинг, чақириқча ҳарбий таълим раҳбари, жисмоний тарбия ўқитувчиси ва билим юрти тиббиёт ходимларининг вазифалари ёритиб берилади;

3. “Взвод ва бўлинма командирларини тайинлаш тўғрисида”ги буйруқ; ўқув юрти директорининг бу буйруғида взводларнинг рақамлари, командирларнинг фамилиялари қайд қилинади, чақириқча ҳарбий таълим раҳбарининг вазифалари ва ўқувчилар томонидан белгилаб қўйилган кийим-бош ва хушмуомалик қоидаларига риоя қилиниши ҳақидаги талаблар бўлади. Бундан ташқари, взвод командирларини интизомни сақлаш ва ўқув-моддий базасини такомиллаштириш бўйича вазифалари аниқланади.

4. Чақириқча ҳарбий таълим, жисмоний тарбия ва тиббий-санитар тайёргарлиги бўйича ўқув юрти услубий комиссиясининг йиллик иш режаси;

5. Чақириқча ҳарбий таълим раҳбарининг йиллик иш режаси;

6. Ўқув юртининг йиллик иш режасига ҳарбий-ватанпарварлик, оммавий-мудофаа ишлари ва ўқув-моддий базасини такомиллаштириш бўйича чақириқча ҳарбий таълим раҳбарининг таклифлари;

7. Ёш армиячи гуруҳ командирлари билан олиб бориладиган услубий машғулотларнинг режаси;

8. “Кичик калибрли милтиқдан ўқ отишни ўтказиш” бўйича ўқув юрти буйруғи;

9. “Юқори курс ўқувчилари билан ўқув-дала машғулотларини ўтказиш тўғрисида”ги ўқув юрти буйруғи. Бу буйруқ ўқув-дала машғулотлари бошланишдан 1 ой аввал чиқарилиб, унда машғулотлар ўтказиш вақти, ўқув-дала машғулотида чиқиш учун тантанали сафланиш, взвод ва гуруҳ командирларининг фамилиялари, ўқувчиларни машғулот жойига олиб бориш ва ҳавфсизлик қоидалари ёритиб берилади;

10. Юқори гуруҳ ўқувчилари билан ўқув-дала машғулотларини ўтказишга тайёргарлик тадбирлари режаси ишлаб чиқилади.

Бу машғулотларни мудофаа-спорт соғламлаштириш оромгоҳларида йиғин йўли билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув-дала машғулотларига ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларини, ўқитувчи ва захирадаги офицерларни жалб қилиш бўйича масалалар мудофаа ишлари бўлимлари билан келишилган ҳолда олиб борилади.

11. “Чақириққача ҳарбий таълим бўйича ўқув йилининг якуни тўғрисида”ги ўқув юрти буйруғи; бу буйруқнинг асосини чақириққача ҳарбий таълим ҳолатига, дастурни тўла бажарилишига қўйилган баҳо ва янги ўқув йили учун педагогик жамоа ва ўқувчилар учун топшириқлар ташкил қилади.

12. “Чақириққача ҳарбий таълим дастурини якунланишига бағишланган ҳарбий-спорт байрамини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида”ги ўқув юрти буйруғи; ҳарбий-спорт байрами режаси уни ўтказишдан 2-3 ой аввал ишлаб чиқилади ва 1 ой олдин директор томонидан тасдиқланади.

13. Чақириққача ҳарбий таълим ва ҳарбий-ватанпарварлик ишларининг ҳолати тўғрисидаги йиллик ҳисобот.

Юқоридагилардан ташқари чақириққача ҳарбий таълим раҳбари ҳар бир машғулотга режа-конспект ёзади. У директор томонидан тасдиқланади. Машғулот режасида мавзу, ўқув ва тарбиявий

мақсадлар, ўқув саволлари, вақт, услуб, ўқув-моддий таъминот ва ўқув материалининг қисқача мазмуни ёритилади. Режа директор тасдиғига 1 ҳафта олдин тақдим этилади. Бу директорни режа билан танишиб чиқиши, зарурият бўлса, ўзининг услубий кўрсатмалари билан чақириққача ҳарбий таълим раҳбарига ёрдам кўрсатиши билан тушунтирилади.⁷

⁷ Янги тахрирдаги ЧҚБТ дастури. З. Бўтаев ва бошқалар. “Тошкент.” 2010 йил.

I.3§. Чақирикқача ҳарбий таълим бўйича машғулотлар ўтказишнинг асосий шакл ва услублари, уларнинг ўзаро алоқалари таъминлаш усуллари.

Ҳар қандай ўқув юртидаги ўқитиш жараёнини асосини ўқув ишлари ташкил этади. Ўқитишнинг сифати ўқув жараёнини ташкиллаш, машғулотлар ўтказишнинг шаклларига боғлиқ бўлади. Машғулот шакли ўқувчилар таркибини, ўтказиш жойи, давомийлиги, Чақирикқача ҳарбий таълим раҳбарининг роли ва бошқаларни назарда тутди. Машғулот шакли Чақирикқача ҳарбий таълим дастурида белгиланган бўлиб, уни ўзгартириш мумкин эмас.

Машғулот шакллари - бу ўқувчиларни ўқитиш, машғулотларни ташкиллашга ёрдам берувчи шарт - шароитлар, шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзига хос фаолиятлар йиғиндисидир.

Чақирикқача ҳарбий таълим дастури билан қуйидаги машғулот шакллари белгиланган:

- назарий;
- амалий;
- кўргазмали;
- тактик - саф машғулотлари;
- тактик машғулотлари;
- назорат-синов машғулотлари.

Назарий машғулотлар, оғзаки баён қилиш билан (маъруза, суҳбат) ўтказилиб, ўқувчиларга ўргатилаётган материалнинг асосий мазмунини беради ва уларда назарий фикрлаш, кенг дунёқарашни шакллантиради, назария амалиётнинг долзарб муаммоларини ёритиб беради. Назарий машғулотлар бошқа турдаги машғулотларни ташкиллаш ва ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Кўргазмали машғулотлар - ўқувчиларни жанговар техника ва қуроллар намуналари, шахсий

таркибнинг яшаш арзи ва хизмати билан таништириш мақсадида намунавий тарзда ташкил этилиб ўтказилади.

Амалий машғулотлар - жанговар техника ва қуроллар, приборларни ўзлаштириш, уларни қўллаш усуллари эгаллаш, асраш ва сақлаш қоидаларини ўрганиш мақсадида ўтказилади. Амалий машғулотларда ўқувчилар томонидан назарий машғулотларда олинган билим ва малакалар такомиллаштирилади.

Амалий машғулотлар тушунтириш ва кўргазмали услуб ёрдамида ўтказилиши мумкин. Унинг асосий мазмуни ҳар бир ўқувчининг ўқув жойидаги бажараётган амалий ишидир. Амалий ўргатишнинг якуний босқичи бўлиб, тактик машғулотлар ҳисобланади. Улар одатда дала-ўқув машғулотларида ўтказилади.

Тактик машғулотларда ўқувчиларга аскар, разведчик, кузатувчи вазифаларини жанговар вазиятда бажаришнинг кўникма ва малакалари сингдирилади.

Тактик - саф машғулотлари, одатда тактик машғулотлардан олдин ўтказилади ва шахсий таркибнинг ҳаракат ва усуллари жанговар вазиятда қўллаш услубларини ўргатади. Ҳаракатланишнинг усул ва қоидалари кўп маротаба такрорлаш услуби билан ўргатилиши мумкин.

Навбатдаги ҳаракатни ўрганиш, қачонки ўрганилаётган ҳаракат тўла ўзлаштирилиб олингандан кейингина бошланиши мумкин. Ҳар бир савол учун тактик вазият албатта яратилиши керак.

Назорат - синов машғулотлари ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш ва якуний баҳо чиқариш мақсадида ўтказилади. Одатда, назорат машғулотлари ўқув йилининг сўнги босқичида, яъни, ўқув-дала йиғини вақтида ўтказилади.

Ўқитиш шакллари ва услубларининг ўзаро алоқалари

Ҳар бир алоҳида машғулотни, уни ташкиллаш нуқтаи - назаридан тарифласак, машғулотларнинг шакллари чақириққача ҳарбий таълим

мазмунига боғлиқ бўлади ва ўқитишнинг тамойиллари ва услублари билан узвий боғланганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ўқитиш шакллари ва услубларининг ўзаро алоқаси шунда ифодаланадики, ҳар бир машғулот шаклида аниқ бир услублар қўлланилади.

Чақириққача ҳарбий таълим фанини ўқитиш услублари.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчиларни ўқитиш муваффақияти ўқув ишлари услубларидан тўғри фойдаланишга боғлиқ бўлади.

Ўқитиш услублари - бу раҳбар ва ўқувчиларнинг биргаликдаги ишларининг усуллари бўлиб, бунинг ёрдамида ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларни эгалланишига, уларни ақлий ва жисмоний кучларини ривожланишига, бўлажак жангчи учун зарур бўлган сифатларни шакллантиришга эришилади

Ўқитиш услубларини мохирона қўллаб ва ўқувчиларни фаоллиги ва онглилигига таяниб, чақириққача ҳарбий таълим раҳбари уларга билим беради, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиради, уларни ҳар томонлама ривожлантиради, уларда юксак ахлоқий, сиёсий ва жисмоний сифатларни тарбиялайди. Ҳар бир услуб ўзаро боғланган элементлардан иборат бўлиб, улар ўқитишнинг усуллари деб аталади. Бир хил бўлган усуллар ҳар хил услублар таркибига кириши мумкин, баъзан эса улар ўқитиш услуби бўлиб ҳам келиши мумкин.

Ҳаётнинг ҳар бир ҳолатига мос келувчи универсал услубнинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўқитиш жараёнининг хусусияти ҳар хил услублардан фойдаланишни тақозо этади.

Чақириққача ҳарбий таълим жараёнида қуйидаги ўқитишнинг асосий услублари қўлланилади:

1. Оғзаки баён қилиш (хикоя, суҳбат, тушунтириш, маъруза);
2. Кўргазмали услуб;

3. Машқ услуби;
4. Амалий иш услуби;
5. Ўқув материални мустақил ўрганиш услуби. Бундан ташқари, агар моддий - техник таъминот имкон берса, ўқитишнинг замонавий услублари ҳам қўлланилиши мумкин:
6. Дастурланган ўқитиш услуби;
7. Муаммоли услуб;
8. Билим ва кўникмаларни босқичма-босқич шакллантириш услуби;
9. Таянч режалар асосида ўқитиш услуби;
10. Мусобақа услуби.

Бироқ ўқитишнинг услубларини билиш, ўқув жараёни ҳақидаги тўла тасаввурни бермайди. Бунинг учун яна таълим олаётган ўқувчилар таркибини, ўқувчиларнинг жамоавий ва якка тартибда билим олишларидаги муносабатни, қачон ва қандай шароитларда у ёки бу услуб қўлланилишини, ўқитишнинг ташкилий жихатларини, яъни машғулотлар шакли деб аталадиган жихатларини билиш керак.

Ўқитиш услублари ўртасида фақат фарқлар эмас, балки узвий боғлиқлар ҳам бор. У бир услубни муваффақиятли қўлланилишини, унинг бошқа услублар билан узвий боғлиқликда бўлишини тақазо этади.

Масалан, оғзаки баён қилиш услуби кўп вақтларда суҳбат ва намойиш, машқларни кўрсатиш, кўргазмали тушунтиришлар билан биргаликда қўлланилади. Ўқитиш услублари ўзларининг аталиши билан доимийдир, мазмун жихатидан эса улар ўзгариб борадилар.

Оғзаки баён қилиш услуби назарий билимларни ўрганишда аниқ бир тартиб асосида қўлланилади. Сўз доимо ўқув жараёнида муҳим ўринни эгаллаб келган. У фақат фикрларни етказиш эмас, балки яна ўқувчилар туйғуларига таъсир этувчи тарбия воситаси ҳамдир.

Бундан ташқари оғзаки баён қилиш манбаларда ёритилмаган маълумотларни ўқувчиларга етказишга имкон беради. Оғзаки баён қилишнинг асосийлари қуйидагилардир: тушунтириш, хикоя, кўргазмали услуб ва маъруза.

1. Тушунтириш - бу ходисалар, жараёнлар, ҳаракатлар мазмунини ёритиб беришдир. Бу ерда асосан, фикр юритиш, исбот, хулоса катта ўрин тутди. Тушунтириш ўқувчиларга қурол ва техника билан муомала қилиш усуллари, улардан фойдаланиш қоидалари ҳақида маълумотлар бериш билан биргаликда қўлланилади.

2. Хикоя - бу ўқув материални қисқача, намунали баён қилишдир. Баён асосан, аниқ маълумотларни ўз ичига олади.

Хикоя давомида хикоя қилиш (тартибли равишда баён қилиш), материал ҳақида маълумот бериш (ташқи алоқани оғзаки етказиш), фикр юритиш (фикрлашнинг тартибли равишда бўлиши, хулоса чиқариш).

Сухбат - бу ўқувчиларни янги билимлар билан бойитишнинг қулай имкониятларидан биридир. Бу ерда сухбат ўқув материалларини муҳокама қилишнинг бир шакли сифатида кўриломоқда. Бундан ташқари сухбат ўқувчиларни олдин олган билимларини аниқлаб беради, уларни чуқурлаштириб, тартибга солади.

Мақсадга қараб сухбат қуйидагича бўлиши мумкин:

- Маълумот берувчи (янги билимларни етказувчи);
- Ёйилган (олинган билимларни тартибга солиш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш);
- Назорат - текширув (ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси).

Сухбат, қачонки олдиндан тайёрланса, мақсад ва вазифалар аниқ бўлса, ўқувчиларнинг билим даражаси ва мазмуни ҳисобга олинса, ижобий натижалар бериши мумкин.

Кўргазмали услуб - бу усуллар ва ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, улар ёрдамида ўқувчиларда ўрганилаётган предмет ҳақида аниқ кўргазмали

образлар яралади, қуроллар, техника ва фуқаролар ҳимояси бўйича приборларнинг тузилиши ҳақида тасаввурлар шаклланади. Кўргазмали услуб сафланиш, қурол билан ҳаракатланиш усуллари, шунингдек тактика машғулотида, масалан, ички ва қоровуллик хизматини ўрганишда қўлланилади.

Оғзаки баён жараёнида тасвирий, график ва шунга ўхшаш ҳар хил воситаларни, баллистика элементларини ўрганиш бўйича тажрибаларни намоиш қилиш кўргазмали услубнинг бир тури бўлиб хизмат қилади. Ўрганилаётган ҳаракат ва усуллар шахсан Чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари томонидан махсус тайёрланган секция командирлари, аолочилар ва техник воситалар ёрдамида кўрсатилиши мумкин.

Чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари томонидан саф, қурол билан ҳаракат қилиш ва тактик машғулотлардаги усулларни шахсан намоиш қилиш, ўқувчилар учун намуна, бир билим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Одатда ҳаракат ва усулларни қисмлар бўйича кўрсатиш қисқа тушунтириш билан олиб борилади.

Чақирикқача ҳарбий таълим раҳбарининг ташқи кўриниши, саф тайёргарлиги, ўқувчиларни ҳарбий хизматга, офицерлик касбига бўлган интилишларини тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Машғулотларда шахсий намоиш билан бир қаторда, айниқса саф тайёргарлигида, яхши тайёрланган секция командирлари томонидан бажарилаётган ҳаракатлардан ҳам кенг фойдаланиш керак.

Ўқувчилар томонидан ҳарбий қисмларга ташриф буюрилганда, уларга бўлинмаларнинг саф, ўт очиш, ҳарбий иш асослари бўйича намунавий ҳаракатлар намоиш қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Машқ - бу бирор бир ҳаракат ёки усуллар бўйича малакалар ҳосил қилиш ва уларни ривожлантириш мақсадида мураккаблаштирилган ҳолатда кўп маротаба такрорлаш услубидир.

Машқлар жараёнида ўқувчилар қуроллар ва техникалардан фойдаланиш, уларни созлаш қоидалари, тактик, ўт очиш, техник вазифаларни ечиш усуллари, саф машқлари бўйича амалий малакаларни эгаллайдилар.⁸

Ўқувчилар томонидан мақсадни, машқлар бажарилишини тартиблилигини тушуниш катта аҳамиятга эгадир. Ўрганиш давомида мураккаб ҳаракатларни қисмларга бўлиш мумкин. Машқлар жараёнида аввал, ҳаракатларни тўғри бажаришга, кейин эса, уни тезлатишга ҳаракат қилинади.

Амалий иш - қурол ва техникаларни созлаш, уларни асраш ва бошқа ҳаракатларни бажаришда ўқувчиларни ўқитишнинг энг муҳим услубларидан бири бўлиб Ҳисобланади.

Мустақил ўрганиш - ўқув материални макетлар, схемалар, кўргазмали қўлланмалар ва қуролларни қисмларга ёйиш ва йиғиш усуллари ёрдамида амалга оширилади. У одатда, қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқа адабиётларни ўрганиш ва такрорлаш билан бирга олиб борилади. Мустақил иш сифатини оширишда Чақириққача ҳарбий таълим раҳбари томонидан уни ташкиллаш, топшириқлар ҳажмини аниқлашда кўрсатиладиган ёрдам катта аҳамиятга эгадир.

Ўқитиш амалиётида машғулотларда ўқитиш ва тарбиялашнинг бир неча услубларидан фойдаланувчи комплекс услуб кенг тарқалган. Ҳозирги шароитларда ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан биридир.

Чақириққача ҳарбий таълим тизимида илғор раҳбарлар тажрибасига асосан, ўқитишнинг қуйидаги замонавий услублари кенг ёйилмоқда.

Дастурланган ўқитиш услуби - ўқув материални бир неча қисмларга бўлишни назарда тутди. Бу услуб жараёнида машғулот

⁸ Чақириққа қадар бошланғич тайёргарлиги Низоми. Русча нашр. 1993 йил

рахбари ўқув жойларидан ҳар бир қисм ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганлиги ҳақида маълумот олиб туришни тақозо этади.

Муаммоли ўқитиш услубида ўқувчиларга сўнги хулосалар эълон қилинмайди, балки, ҳақиқатни топиш, тўғри қарор қабул қилиш учун йўл-йўриқлар кўрсатиб берилади. Ўрганилаётган материал муаммоли хусусиятда бўлиши учун шундай саволни топиш керакки, у ўқувчилар томонидан нафақат муаммоли бўлиб қабул қилиниши, балки яна уларни ҳаяжонлантириб, уларда бу саволга жавоб топишга қизиқиш уйғотиши зарур. Машғулотларда муаммоли вазиятларни яратиш, ўқувчиларни ўқув материалига бўлган қизиқишини ошириб, уларни фикрлаш қобилиятини фаоллаштиришга имкон яратади.

Билим ва малакаларни босқичма - босқич шакллантириш услуби - машғулотларда ҳаракатларнинг намунали жадвалларини, ўқув-машқ ҳариталарини, чизмалар, фото-суратлар ва бошқалардан фойдаланишни назарда тутати. Бу услуб амалий ишларнинг тартибли равишда амалга ошишига имкон яратади. Ўқувчилар юқоридаги воситалардан фойдаланган ҳолда, ҳаракатларни аввал суст тезликда бажарадилар. Ўқув топшириқлари ўқувчининг шахсий нутқига таянган ҳолда бажарилади, яъни улар бажараётган ҳаракатларини овоз чиқариб олиб борадилар.

Бу услуб бир вақтни ўзида билим ва малакаларни эгаллашга имкон яратади, бу эса ўқув жараёнини самарадорлигини оширишга сабаб бўлади. Бу услуб янги техника ва қуролларни ўрганишда кенг қўлланилади.

Маълумки, инсон хотирасида 10% ўқиганларини, 20% эшитганларини ва 30% кўрганларини сақлаб қолади. Бир вақтни ўзида эшитиш ва кўриш эса 50% материални хотирада сақлаб қолса, сўзланган нарсаларни 70% ни, сўзлаб ва ўша ҳаракатларни бажарса 90% ни сақлаб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам, ўз нутқига таянган ҳолда ўқув

топшириқларини бажаришга асосланган бу услуб энг замонавий услублардан бири бўлиб ҳисобланади.

Таянч режалар асосида ўқитиш услуги. Шаталин услуги деб номланган бу услубнинг мазмуни шундан иборатки, бу ерда ўқув материали таянч режалар асосида ўқувчиларга етказилади. Таянч режалар ўқув материални муҳим томонларини, саналарни, тариф, атама ва улар ўртасидаги алоқаларни ўз ичига олади. Бу услубда ўқитишда ўқув материални мустаҳкам ўзлаштирилишига, уни такрорлаш учун вақтни қисқартиришга эришилади.

1-боб бўйича хулослар.

Чақириқча ҳарбий таълим фани Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонунига биноан ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиладиган мажбурий давлат фанидир. Ушбу чақириқча ҳарбий таълим фани битирувчи синфлар (курсларда) ўқитилади. Чақириқча ҳарбий таълим дастури учун 140 соат ажратилган. Шулардан 18 соати битириш йили якуни арафасида ўқув дала-ийғинларида ўтилади. 1995 йили Ўзбекистон Республикасида «Чақириқча ҳарбий таълим тўғрисида» ги Низом қабул қилинган.

Ёшларни Қуролли Кучлардаги ҳарбий хизматга тайёрлаш тўғрисидаги саволларнинг ечилиши Ўзбекистон Конституциясида ўз ечимини топган. Асосий қонуннинг 52-моддасида Ватан ҳимояси ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг конституциявий бурчи эканлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонуни умумий ҳарбий мажбуриятнинг моъиятини очиб беради, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тартибини ва уни ўташ тартибини, Қуролли Кучларни тўлдириш

тамойилларини ва армия учун резервлар тайёрлаш тартибини аниқлаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни эса мудофаани ташкил этишни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Шунингдек, мамлакат мудофаасини ташкиллашда давлат органларининг, фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар иштирокини аниқлаб беради.

Чақириққача ҳарбий таълим бўйича машғулотлар ҳафтасига 2-соатдан, 2-3 курсларда ўтилади.

II. БОБ. МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛЛАШ ВА ЎТКАЗИШДА ТАЪЛИМНИНГ УСЛУБЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

II.1§. Чақириқча ҳарбий таълим машғулотларини ташкиллаш ва ўтказишга қўйиладиган асосий талаблар

Ўқув муассасаларида ўспиринларни чақириқча тайёрлаш ушбу Дастур талаблари асосида режалаштирилади. Бу режа дастурнинг тўлиқ бажарилишини ва унинг ҳар бир бўлимини бошқа фанлари билан ҳамкорликда ўрганишни таъминлаши шарт.

Ҳар бир ўқув муассасасида ярим йил ёки бутун ўқув йили учун чақириқча ёшларни тайёрлашнинг ҳафталик (ойлик) режаси тузилади. Дарс жадвалида ушбу фанга ажратилган ўқув соатлари кўрсатилади.

Машғулотларни ташкилий жихатдан яхши уюштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари талабларини ўқувчиларга амалий жихатдан сингдириш мақсадида ўқув муассасаси директорининг буйруғига асосан гуруҳларда ўқув гуруҳлари ва секциялари ташкил қилинади. Алочи, интизомли ўқувчилардан гуруҳ ва секция бошлиқлари тайинланади.

Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларида олган билим, кўникма ва малакалари дарсдан ташқари ўтказиладиган қуйидаги тадбирлар орқали мустаҳкамланади:

- ҳарбий иш асосларини ўргатувчи тўғараклар ва спортнинг ҳарбий-амалий турдаги шўъбаларини ташкил этиш;
- ҳарбий-спорт мусобақалари, ҳарбий ўйинлар ўтказиш ва ташкил қилиш;
- ўқувчиларни ўқув юртидан ташқари ҳарбий - техника, спорт-соғломлаштириш ва бошқа йўналишдаги муассасаларга жалб қилиш.

Чақириқча ҳарбий таълим бўйича дарсдан ташқари машғулотлар ва тадбирларни саф қоидалари мавзуини ўрганишдан бошлаш тавсия

қилинади. Ҳарбий раҳбар ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Умумҳарбий Низомлари талаблари асосида ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Чақириққача ҳарбий таълим машғулотлари учун машғулотнинг турига мос келадиган кийим (форма) танланади. Машғулотнинг турига, уларда бажариладиган машқлар (амаллар, ҳаракатлар) ва хал қилинадиган вазифаларнинг характери ва шарт-шароитига боғлиқ ҳолда, бу кийим (форма) ушбу ўқув муассаса учун белгиланган кундалик, спортчилар ёки ёш армиячилар кийими бўлиши мумкин.

Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан ўт отиш машқлари ўқувчиларнинг ўқ отиш қуролидан отиш қоидалари ва усуллари қай даражада ўзлаштириб олганлигини текшириб ва уларни жанговар ўқлар билан автоматдан отиш бўйича дастлабки машқларга тайёрлаш масадида ўтказилади.

Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан отиш машқларини бажариш махсус жихозланган тирларда (ўқ отиш жойларида) хавфсизлик қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил қилинади. Отиш хавфсизлиги таъминланмаган тирларда отиш машқларини бажариш ва отиш машқларига раҳбарликни ўқувчилардан бирига топшириб қўйиш қатъиян ман қилинади.

Кичик калибрли (пневматик) милтиқдан отиш машқларига отиш қоидаларини мукаммал ўрганган, хавфсизлик қоидаларига риоя қиладиган, отиш тартибини биладиган ўқувчиларгина қўйилади. Қолган ўқувчилар ушбу талабларга жавоб бера оладиган даражага етгандан сўнг, дарсдан ташқари тадбирларда отиш машқларини бажарадилар.

Ҳар бир ўқувчи кичик калибрли милтиқдан ёки автоматдан отиш машқини бажаргандан сўнг нишон олдига олиб келинади ва отиш натижалари таҳлил қилинади.

Автоматда жанговар ўқлардан отиш машқлари махсус жихозланган тирларда (хоналарда) ёки отиш майдонларида гарнизон бошлиғи (ҳарбий қисм бошлиғи, ҳарбий ўқув муассасаси бошлиғи) ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг вилоят бошқармаси билан келишилган ҳолда туман, (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимлари режалари асосида ўтказилади.

Отишни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартиби «Қуруқликдаги қўшинлар отиш қуроллари, жанговар машина ва танклардан “Отиш курси”да белгиланган.

Отиш машқларини бошлашдан аввал, отиш машқлари раҳбари ўқувчиларнинг хавфсизлик қоидаларини, автоматнинг тузилиши ва қисмларини, жойдан туриб пайдо бўлувчи ва ҳаракатсиз нишонларга ўқ отиш тартиб - қоидаларини қай даражада билишини текширади. Ушбу қоидаларни билмаган ўқувчилар машқларга қўйилмайдилар.

Ўқув юртларидан ўқув отиш қуроллари ва ўқ-дорилар вақтинча олиб қўйилганлиги сабабли отиш тайёргарлиги бўйича ўтиладиган назарий машғулотларда қурол - аслаҳаларнинг чизмалари ва диафильмлардан, машғулотларда эса қурол - аслаҳалар, гранаталар ва миналарнинг нусхаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳарбий раҳбар ўқув қурол - аслаҳаларни ўқув юртларига бериш ва уларни сақлаш ҳақида махсус буйруқ ёки бошқа бир ҳужжат олмагунча, унинг тегишли вазирлик ва ташкилотлардан ўқув муассасасини махсус табелга мувофиқ қурол - аслаҳа, артиллерия ва муҳандислик воситалари билан таъминлашни талаб қилишга ҳаққи йўқ.

Чақириқча ҳарбий таълим машғулоти гуруҳни 2 - шеренгали сафга сафланиши ва навбатчининг гуруҳнинг машғулотга тайёрлиги тўғрисидаги маълумотлар билан бошланади. Ўқувчиларни командаларни тўғри бажаришга, саф интизомига риоя этишга ўргатиш

мақсадида сафланиш одатда, чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари назорати остида амалга оширилади.

Ўқув дала йиғини вақтида эса, машғулотлар одатда йиғинни бутун шахсий таркибини умумий сафланиши, яъни тарқатишни ўтказиш билан бошланади. Бунинг учун йиғин ҳудудида гуруҳ ва секцияларни тантанали сафланиши, эрталабки текширув ва машғулотларга тарқатиш учун доимий сафланиш жойи тайёрланади. Сафланиш жойида трибуна ва байроқни кўтариш ва тушириш учун байроқ устуни жихозланади.

Машғулот бошланишида гуруҳ командири ёки навбатчини маълумотномаси қисқа бўлиши ва зарур ахборотларни етказиши керак. Масалан; «Ўртоқ лейтенант» 2-чи гуруҳ 28 киши таркибида чақирикқача ҳарбий таълим машғулотига тайёр (сафланди). Гуруҳ командири - Каримов.

Рапорт (маълумотнома) берилгандан сўнг, навбатчи қўлини бош кийимидан туширмай туриб (агар у бош кийимда бўлса), ўнг ёки чап тарафга 1-2 қадам юради ва чап ёки ўнг томонга бурилиб, машғулот раҳбарини олдига ўтказган ҳолда ундан 1-2 қадам орқада туради (юради).

Навбатчи рапорт қилиб бўлгандан сўнг, чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари саф ўртасига келади ва сафдан 3-4 қадам олдинда, сафга юзланган ҳолда ўқувчилар билан «Салом, ўртоқлар» деган ҳолда саломлашади.

Ўқувчилар саломлашишга баланд, аниқ ва уюшган ҳолда «Ассалом» деб жавоб беришади.

Машғулотларда доимий равишда тартиб ва уюшқоқлик сақланиши керак. чақирикқача ҳарбий таълим раҳбари бирор бир ўқувчига мурожат қилса, ўқувчи тез, ўрнидан туриб, «Ростлан» ҳолатига ўтиб «Ўқувчи Ботиров» деб ўзини таништиради. Агар машғулот раҳбари ўқувчини

фамилияси билан мурожат қилса, ўқувчи «Мен» деб жавоб беради. Ўтиришга рухсат олгандан сўнг «Хўп бўлади» деб ўз жойига ўтиради.

Агар ўқувчи чақириққача ҳарбий таълим раҳбарига мурожат қилмоқчи бўлса, қўлини кўтаради, рухсат олгандан сўнг ўрнидан туради, «Ростлан» ҳолатига ўтиб «Ўқувчи Ботиров» деб ўзини таништиради ва шундан сўнг савол беради ёки мурожат этади.

Ўқувчилар машғулотларга кўрсатилган кийим - бошда, тоза ва саранжом ҳолда келишлари, ҳарбий муомала ва интизом қоидаларига сўзсиз амал қилишлари керак.

Машғулотларга тайёрланишда чақириққача ҳарбий таълим раҳбарига қуйидагилар тавсия этилади:

1. Мавзу ва ўқув саволларини аниқлаш;
2. Ўқув ва тарбиявий мақсадларни белгилаш:
 - ўқув саволларини ўтиш тартиби;
 - машғулотни моддий таъминоти;
 - текширув учун саволлар.
3. Низом, йўриқномалар ва ўқув адабиётларини ўрганиш;
4. Амалий усулларни бажариш бўйича тайёргарлик.
5. Мустақил таълим учун вазифа белгилаш.

Машғулот ўтиш жойи ва ўқув моддий база олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Амалий, тактик - саф, тактик машғулотларга тайёрланишда чақириққача ҳарбий таълим раҳбари гуруҳ командири ва ёрдамчилар билан кўргазмали машғулот ўтказди, уларга амалий усуллар ва ҳаракатлар қандай тартибда бажарилишини кўрсатади ва бу усулларни тўғри бажариб кўрсатишга ўргатади.

Машғулотга тайёргарлик машғулот режасини ёзиш билан якунланади. Машғулот (дарс) бир - бирига узвий боғланган кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлади.

Дарснинг кириш қисмида гуруҳ сафланиши ўтказилади, машғулоти раҳбарига рапорт берилади, ўқувчиларнинг ташқи кўриниши ва ўтилган мавзунини ўзлаштирилганлик даражаси текширилади. Гуруҳнинг ҳар бир сафланишида чақириққача ҳарбий таълим раҳбари гуруҳни тўғри сафланганлигига, саф интизоми риоясига, ўқувчилар томонидан сафдаги мажбурият тўғри бажарилишига эътибор беради ва камчиликларни тузатишга ҳаракат қилади.

Дарснинг кириш қисмида ўқувчилар томонидан заиф ўзлаштирилган ҳаракат ва усуллар, командалар бажарилади, ўтилган мавзу бўйича текширув ўтказилади. Бажарилган ҳаракат ва берилган жавоблар учун ўқувчилар баҳоланадилар.

Дарснинг асосий қисмида мавзу эълон қилингандан сўнг, ўқув саволлари мазмунига қараб, янги ўқув материали баён қилинади ва унинг мустахкамланиши ўтказилади. Янги материални мустахкамлаш ўқув материали тўлиқ ёки асосий ўқув саволлари тушунтирилгандан сўнг, савол - жавоб шаклида ўтказилиши мумкин.

Ўқувчиларни амалий ҳаракат ва усулларга ўргатиш, одатда, ўрнатилган тартиб асосида олиб борилади. Машғулоти раҳбари амалий ҳаракат ёки усулни тўлиқ ҳолда намунали қилиб кўрсатади, сўнг уни ўқувчиларга элементлар бўйича бажарилишини тушунтиради ва уни ўргатишга киришади. Ҳаракат ва усулларни бажариш аста - секинлик билан олиб борилади, бунда асосий эътибор уларни тўғри бажарилишига қаратилади. Ўқитиш давомида ҳаракатларни бажариш тезлиги ортиб бориб, натижада автоматик равишда бажарилиши керак.

Дарснинг якуний қисмида унинг якуни ўтказилади, ўқувчиларни машғулотидаги ҳаракатлари ва жавоблари учун баҳо қўйилади, бажарилган ҳаракат ва берилган жавоблардаги камчиликлар ва уларни тузатиш йўллари кўрсатилади, алоҳида ўқувчиларнинг намунали ҳаракат ва жавоблари таъкидлаб ўтилади.

Дарс якунида ўқувчиларга мустақил тайёргарлик учун вазифалар берилади ва навбатдаги машғулот мавзуси ўқувчиларга етказилади.

Машғулот тўлиқ ҳолда ўқувчиларда юксак ахлоқий - сиёсий сифатларни шакллантиришга, уларни Ватан ҳимояси бўйича ўз конституцион бурчларини бажаришга тайёрлашга, уларда низом талабларига мувофиқ ўрганилаётган мавзулар даражасида зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

II.2§. Ўқув юртларида чақирикқача ҳарбий таълим фанининг ўқув-моддий базаси ва моддий-техник таъминотнинг машғулотлар самарадорлигига таъсири.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ги қонуни билан амалга киритилган ЧХТ ҳарбий таълимнинг мажбурий давлат шакли бўлиб ҳисобланади ва ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимининг муҳим қисмини ташкил этади. ЧХТни самарадорлиги кўп жihatдан ўқув тарбиявий жараёнини қандай ташкилланганлиги ва амалга оширилаётганлигига боғлиқ. Унинг асосий тўлдирувчилари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: илмий асосланган ўқув дастури, машғулотларнинг оптимал услублари ва уларга мувофиқ бўлган ўқув моддий база. Юқорида кўрсатиб ўтилган биринчи икки тўлдирувчининг аҳамиятини камситмаган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, ҳарбий таълимда энг асосий ҳал қилувчи ўринни ўқув-моддий база эгаллайди. Бу биринчи навбатда ЧХТ ни ўзига хос хусусиятлари, унинг ўқув жараёнини кўп қирралиги ва амалий йўналишга эга эканлиги билан тушунтирилади. Масалан: ўқув қуроллари бўлмаса уни ўрганиш мумкин эмас ва ҳоказо.

ЧХТ дастурига мувофиқ ҳар бир ўқув юртида ўқув моддий базанинг қуйидаги элементларига эга бўлиш тавсия этилади:

1. ЧХТ хонаси;
2. Қурол сақлаш хонаси;
3. Саф тайёргарлиги машғулотлари учун майдон;
4. Отиш тири;
5. Тактик тайёргарлик ва фуқаролар химояси бўйича машғулотлар учун ўқув майдончаси;
6. Ўқ отиш қоида ва усуллари амалий ўрганиш жойи;
7. Соқчи мажбуриятларини амалий ўргани жойи;

8. Посбон мажбуриятларини амалий ўрганиш жойи;
9. Қуролни тозалаш ва мойлашни ўрганиш учун жой;
10. Гимнастика шаҳарчаси ва тўсиқлар мажмуи;
11. Ўқитувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича кўргазмали ташвиқот воситалари;
12. Жанговар ва меҳнат шухрати музейи ёки хонаси.

Ўқув даласи ва майдонларда, шунингдек ўқув шаҳарчаси ҳудудида ўз навбатида, ўқув жойлари яратилади. Масалан, ўқ отиш қоида ва усуллари амалий ўрганиш майдончасида ўқувчилар ҳар хил ҳолатлардан отишга тайёргарлик, нишонга олиш ўқув гранаталарини улоқтириш, автоматни ёйиш ва йиғиш ўқув моддий базасини барча элементлари фақат ўқув жараёнида эмас, балки сафдан ва синфдан ташқари ишлар вақтида ҳам кенг қўлланилади.

ЧХТ хонаси

ЧХТ хонаси қуйидаги мақсадларда жихозланади:

- ЧХТ дастурини барча бўлимларини ўрганиш учун (асосан, назарий) зарур ўқув-моддий базасини яратиш;
- ЧХТ бўйича ўқув машғулотлари ва синфдан ташқари тадбирларини ўтказиш, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;
- ҳарбий билимларни ташвиқот қилиш, ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича оммавий-мудофаа тадбирларини ўтказиш ва уларни ҳарбий касбларга йўналтириш.

ЧХТ хонаси қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- Машғулотлар ўтказишга қулай хона, санитар-гигиеник меъёрларига жавоб берувчи, асбоб-анжомлар, кўргазмали ўқув-қуролларини сақлаш учун лаборатория хонасига эга бўлиши;

- Ўқув машғулоти ва синфдан ташқари тадбирларни ўтказишга доим тайёр бўлиши, дарслар давомида нафақат ўқув, балки тарбиявий вазифаларни ечишга имкон бериши;

- Ўқитишда максимал кўргазмаликни таъминлаши ва бир вақтни ўзида ўқувчиларга мустақил вазифаларни бажариш учун шароитлар яратиши;

- Ўқув адабиётларига, кўргазмали курулларга ва табелга мувофиқ ЧХТ бўйича асбоб-анжом ва буюмларга эга бўлиши;

- Намойиш қилинаётган ўқув материалларини кўргазмалилиги, мазмуни хона интерьерини бадиий безашганлиги билан мувофиқлаш.

ЧХТ хонаси кенг, шинам ва ёруғ бўлиши керак.

ЧХТ хонаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

Синф мебеллари, услубий ўқув жихозлари, лаборатория хонаси, ўқув куруллари, ўқитишни техник воситалари.

Синф мебелларини уфқал юзага эга бўлган ўқитувчилар стол ва стуллари, ўқитувчи столи, ўқув жихозларини намойиш қилиш столи, киноаппарат ва диапроектор учун мослама, синф доскаси ва кўрсаткич ташкил қилади. Чеккада стол қаторлари девордан 50 см узоқликда бўлиши керак.

ЧХТ хонасини услубий - ўқув жихозлари асосини дастурнинг ҳар бир бўлими учун жихозланган стендлар ташкил қилади ва улар қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

1. Амалий - жисмоний тайёргарлик.
2. Ўт очиш тайёргарлиги;
3. Фуқаролар химояси;
4. Ҳарбий иш асослари;
5. Ҳарбий хизмат асослари;
6. Тиббий билим асослари;

«Саф тайёргарлиги» бўйича стенд коридорда, ўқувчилар машғулотлар олдидан сафланадиган жойга жойлаштирилиши мумкин.

Барча стендлар мавзу ёки алоҳида ўқув саволлари бўйича жихозланади.

Планшетлар дастур мавзуларини ўтиб бориш давомида стендга осиб қўйилади.

Хонанинг юз томонига, доска устига А.Темур портрети ва Ўзбекистон Конституциясининг 52- моддасидан кўчирма, доскани ўнг ва чап томонларига эса Ҳарбий Қасамёд матни ва Ҳарбий қисм Жанговар Байроғи тўғрисидаги Низом жойлаштирилади.

ЧХТ хонасида ўқувчилар билан тактик машғулотлар ўтказиладиган ўқув харитаси ёки худуднинг макети ўрнатилади. Бу худудда группани таянч пункти элементлари ва «группа хужумда» мавзуси бўйича тактик вазият яратилади.

Лаборатория хонасида, агар бунда хона бўлмаса, ЧХТ хонасида ўқув анжомлари ва асбобларини тахлаш жойлари жихозланади.

Бундан ташқари ЧХТ хонасига экран ўрнатилади ва дераза пардалар ёпилиши учун автоматик ёки ясама мослама жихозланади.

Қурол сақлаш хонаси

Қурол сақлаш хонаси ўқув қуроллари, кичик калибрли винтовкалар ва ўқ - дориларни олиш, сақлаш ва хисоботини юритиш бўйича йўриқнома талабларига мувофиқ жихозланади.

У ўқув юртидаги ўқув қуроллари, кичик калбрли винтовкалар ва ўқ-дориларни ишончли сақлашни таъминлаш учун мўлжалланган.

Шахсий химоя воситалари, радиостанциялар, радиацион ва кимёвий разведка асбоблари ва бошқа буюмлар лаборатория хонаси ёки ЧХТ хонасида сақланади.

Агар қурол сақлаш хонасида қуроллардан ташқари бошқа буюмларни ҳам сақлашни иложи бўлса, у холда хона эшиги ички девор

(темир панжара) билан ажратилган бўлиши керак. Хонанинг биринчи қисмида табел бўйича буюмлар, иккинчи қисмида эса қуроллар сақланади.


Қурол сақлаш хонаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- бинонинг бошқа хоналаридан алоҳида бўлиши, қалин деворлар, мустаҳкам пол ва томга эга бўлиши;

- Мустаҳкам ва ишонарли ёпиладиган икки эшикча: ташқаридаги эшик тахтали бўлиб, тахта қалинлиги 40 сантиметрдан кам бўлмаслиги, икки томонлама темир тунука билан маҳкамланган бўлиши, ичкаридаги эшик эса темир панжарали бўлиб, панжаралар диаметри 15 мм дан катта бўлмаслиги керак.

- Деразалар ҳам диаметри 15 мм дан катта бўлмаган панжаралар билан тўсилган бўлиши керак.

Бинонинг биринчи қаватида жойлашган қурол сақлаш хоналарининг



деразалари, бундан ташқари ички томонида темир тўсиқлар билан маҳкамланади. Эшик ва деразалар қулфланадиган бўлиши лозим ва улар пломбаланади ёки муҳрланади.

- қурол сақлаш хонаси қўриқлов сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиб, у ички ишлар қўриқлаш бўлимига уланади.

Шкаф (пирамида) эшигининг ички томонида рамка ичида шкафдаги нарсаларнинг рўйхати (опись) ёзиб қўйилади:

- шкаф (пирамида)да сақланаётган ўқув қуроллари ва кичик калибрли милтиқларнинг рўйхати қуйидаги шаклда ёзилиб, шкаф ичига илинади:

РЎЙХАТИ

т/р	Қурол номи ва тури	Сони	Номери	Изоҳ
	АКМ	1	452123	
	АКМ	1	256321	
	ТОЗ-8	1	856496	

Саф тайёргарлиги машғулотлари учун майдон (плац).

Саф тайёргарлиги машғулотлари учун майдон асфальтли ёки бетонли бўлиши мумкин. Майдончанинг ҳажми бир вақтнинг ўзида синфнинг барча ўқувчилари билан машғулот ўтказишга имкон бериши лозим. Майдонга яхши кўринадиган чизик билан белгилар қўйилади. Майдончани периметри бўйлаб 0,7 х 1,5 см ҳажмдаги шитларга асосий саф усуллари тасвири қўйилади. Ўргатиш жараёнида ўзини назорат қилиш ва уст-бошни тўғрилаш учун майдон чегарасига ойна қўйилиши мумкин. Бундан ташқари ўқув юрти ҳажмида юк автомашинаси кузатув макети ўрнатилиши мумкин. Унда ўқувчилар машинага чиқиш ва тушиш усуллари машқ қиладилар. Қурол билан саф усуллари ўрганиш учун, бир секцияга етадиган қурол макетлари бўлиши керак.

Ўқ отиш жойи (тир).

Ўқ отиш жойи (тир) деб, ўқ отар қуроллардан ўқ отишни хавфсиз ўтказиш учун мўлжалланган бино ёки ҳудуддаги махсус жойга айтилади. Ўқ отиш жойини махсус қурилган бинода, шу мақсад учун

қайта қурилган бинода ёки жихозланган худуд (очик жойда) жойлаштириш мумкин.

Хавфсизлиги бўйича тирлар уч турга бўлинади;

- ёпик;
- ярим ёпик;
- очик

Барча ўқ отиш тирлари ўқ отиш павильони ва ўт очиш зонаси (қисми)дан иборат бўлади. Ўқ отиш павильонининг ҳажмига қараб, у ерда қурол тозалаш хонаси, ўқ отишни назарий ўрганиш синфи ва бошқа хоналар бўлиши мумкин. Бу хоналарнинг сони ва ҳажми тирнинг тури, унинг катталиги ва лойиҳадаги шароитларга боғлиқ бўлади.


Ўт очиш зонаси - бу ўт очиш чизиғи билан ўқни тутиб қолувчи мосламалар ўртасидаги очик жойдадир. У тўла холда ёки қисман тепадан ва ён тарафдан ўқни ўтказмайдиган тўсиқлар билан чегараланган бўлиши керак. Тирлар 25, 50 ёки 100 метр бўлиши мумкин. Тирда ўт очиш курсидан қуйидаги кўчирмалар осиб қўйилади.

- автоматдан бошланғич машқни бажариш бўйича шартлар ва унинг хусусиятлари;

- ўқ отишни ўтказишдаги хавфсизлик қоидалари.

Бундан ташқари, тирда маҳаллий шароитларни ҳисобга олган холда ишлаб чиқилган хавфсизлик қоидалари, ўқ отиш раҳбарининг мажбуриятлари ва кичик калибрли винтовкадан отиш шартлари ҳам осиб қўйилади. Ўт очиш чизиғи яхши кўринадиган чизиқлар ёки ёзувлар билан белгиланади.

Отиш тири (25-50 м).



Тактик тайёргарлик ва фуқаролар химояси бўйича машғулотлар учун шаҳарча.

Ўқув шаҳарча 60 х 10 метр хажмдаги худудга жойлаштирилиши мумкин ва қуйидагилардан ташкил топган бўлиши керак:


1. «Минали майдон» дан ўтиш учун жой;
2. Душман танкларини яксон этиш учун танкка қарши қўл гранаталарини қўллашни машқ қилиш жой;
3. Окопларни жихозлаш, ниқоблаш ва хужумга тайёргарлик усулларини ўрганиш жойи.
4. Ҳаво нишонлари (самалот ва вертолот)ни яксон этиш учун ўқ-отар қуролларида фойдаланишни машқ қилиши жойи;
5. Ядро қуроли портлаганда ҳаракат қоидалари ва шахсий химоя воситаларидан фойдаланиш; дегазация ва дезинфекция ўтказишни ўрганиш жойи.

Булардан ташқари агар имкон бўлса, тактик тайёргарлик бўйича бошқа ўқув жойлари ҳам жихозланиши мумкин.

Отиш усуллари ва қоидаларини амалий ўрганиш учун майдон.

Бу майдонда қуйидаги жихозланган ўқув жойлари бўлиши керак:

- ҳар хил ҳолатлардан отишга тайёргарлик учун ўқув жойи;
- нишонларни кузатиш ва унғача бўлган масофани аниқлаш учун ўқув жойи;
- нишонга олишни ўргатиш учун жой;
- парчаланувчи қўл гранаталарини улоқтиришни ўрганиш жойи;
- автоматни ёйиш, йиғиш ва ўқдонни ўқлаш жойи.



Отиш қоидаларини ва усулларини амалий ўрганиш учун жой.

1) девор, 2) 8-мишен, 3) 4-мишен, 4) 6-мишен, 5) окоп, 6) ўт очиш марраси, 7) гранатани улоқтириш усулларини ўрганиш учун жой, 8) бошланғич холат, 9) таянч, 10) мат (таглик), 11) тунка, 12) столб, 13) автоматни ёйиш, йиғиш ва ўқдонларни ўклаш учун столлар, 14) мат (таглик), 15) прицел станог, 16) экран.

Соқчи мажбуриятларини амалий ўрганиш жойи.


Ўқув жойи қоровул ва соқчининг ҳар хил вазиятлардаги амалий ҳаракатларини ўрганиш учун ўқув юрти ховлисида жихозланади ва қуйидаги элементларни (ўқув жойлари) ўз ичига олади;

- девор (ёғочли, ғиштли ёки сим) билан ўралган қўриқланадиган объект;

- тик турган холатда автоматдан отиш учун жой (окоп жанговар низом талабларига мувофиқ жихозланади) окоп деворлари мустаҳкам бўлиши учун ички тарафи ғиштлар билан уриб чиқилади ва цемент қўйилади ёки тахта билан ўралади.

- қуролни ўклаш ва ўқсизлантириш жойи. Қуролни қўйиш ва ўқни тутиб қолувчи мосламалар билан жихозланади. Постдан келган ва постга кетаётган қоровуллар сменасини сафлаш учун жой. Бу ерда қуролни ўклаш ва ўқсизлантириш усуллари машқ қилинади. Қўриқланаётган объектда ўт ўчириш воситалари ўт ўчириш мослама,

қум билан тўлдирилган яшиқ, сувли бочка, челак ва шунингдек, белкурак, болта ва лом бўлиши керак. Объект яқинида постда ёнғин чиқиши ва уни ўчириш қоидаларини ўрганиш учун жой жихозланади. Объектда соқчи кийимларини сақлаш учун жой тайёрланади, шунингдек бу ерда қоровул бошлиғи, унинг ёрдамчиси ва тарқатувчини тезда чақириб олишни таъминловчи алоқа воситаси ўранатилади. Қўриқланаётган объект чегарасидан ташқарисида «тақиқланган зона» чизиги белгиланади, бунинг учун «тақиқланган зона чегараси» деб ёзилган тахтача ўрнатилади. Бу ерда постга ёки тақиқланган зонага нотаниш шахс яқинлашса ёки унга кирмоқчи бўлса, шунингдек постга ёки соқчига хужум вақтидаги соқчи ҳаракатлари ўргатилади. Бу мақсадлар учун тақиқланган зона чизигидан ташқарида - № 8 (рост) (тақиқланган зонага яқинлашаётган киши), № 6 кўкрак фигураси тақиқланган зона ичида (тақиқланган зона чегарасини кесиб ўтган бузғинчи) қўриқланаётган объект ҳудудида № 8 (постга кирган бузғинчи) шахслар нишонлари қўйилади.



Соқчининг вазифаларини амалий ўрганиш учун жой.

1 - қуrolни ўқлаш ва ўқсизлантириш учун жой; 2 - ўқ тутқич макети; 3 - ўт ўчириш воситаси; 4 - қўриқланаётган объект; 5 - тўсиқ; 6


-тақиқланган хууд чегараси; 7 - 8-мишен; 8 - 6-мишен; 9 - хандак (окоп); 10 - пост «грибоги»; 11 - «грибок» томи; 12 - ёнғинни имитация қилиш учун жой, 13 - машғулотларни ўтказиш вақтида ўқувчиларни сафлантириш учун жой.

Посбон мажбуриятларини амалий ўрганиш жойи.

Ўқув жойи ЧХТ хонасига кириш жойига ёки бошқа қулай бўлган яқин жойда жихозланади. Ўқув жойи қуйдагиларни ўз ичига олади:

Хужжатлар бурчаги, тумбочка, телефон аппарати (макет), ўт ўчириш воситаси, посбоннинг аслахаси пичоқ ва қин ёғочдан ёки пластмассадан тайёрланади.

Бу ўқув жойида взводга бошлиқлар келган вақтдаги тревога ёки ёнғин вазиятидаги посбон ҳаракатлари ўрганилади. Шунингдек, ўқув жойида взвод мулкани қурол - яроғларни сақлаш ва бошқа




вазиятларидаги посбон ҳаракатлари машқ қилинади.

Взвод посбонининг вазифаларини амалий тарзда ўрганиш учун майдон.

1-ўт ўчиргич; 2-телефон аппарати; 3-рота бўйича навбатчи учун қўлбоғич; 4-тумбочка; 5-посбоннинг жойи; 6-навбатчининг хужжатлари ёзилган доска.

Қуролни тозалаш ва мойлашга ўргатиш жойи.

Ўқув жойи тирдаги хоналардан бирига жихозланади. Агар ўқув юртида отиш жойи бўлмаса, ўқув жойи лабаротория хонасида ёки ЧХТ хонасига яқин бўлган жойда жихозланади. Жихозланган ўқув жойи қуйдагиларни ўз ичига олади: махсус стол, қуролни йиғиш ва мойлаш ўтказилади, деворга ўрнатилган кутида қуролни тозалаш ва мойлаш учун зарур бўлган асбоблар қўйилади, қуролни текшириш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича эслатма, қурол тозалаш учун керак бўлган мой, шунингдек, тоза латта билан тўлдирилган темир кути. Қуролни тозалаш ва мойлашга ўргатиш бевосита ЧХТ раҳбари раҳбарлигида олиб борилади.



Қуролни тозалаш ва мойлаш учун жой.


- 1 - столнинг қопқоғи; 2 - сюл; 3 - ветош учун кутича;
4 – мой идишни солиш учун кутича.

Гимнастика шаҳарчаси.

Гимнастика шаҳарчаси ва тўсиқлардан ўтиш жойи - ўқувчиларни жисмоний тайёргарлиги «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестларини топшириш учун мўлжалланган.

Гимнастика шаҳарчаси қуйдагиларни ўз ичига олади:

- Металл ёки дарахтдан ясалган ва метрлик қурилма;
- Ҳар хил баландликдаги темир турниклар;
- Ҳар хил баландликдаги брусялар;
- Гимнастик қурилмалар.
- Баланд ва узоқликка сакраш жойи;
- 4 - 5 метр узунликдаги гимнастика столи;
- гимнастика девори;
- узоқлиги 100 метрлик, кенглиги 2 метр бўлган югуриш йўлакчаси;



Гимнастика шаҳарчаси (вариант).

1 - баландлиги 6 метр бўлган тўғри бурчакли металл конструкция, унга турли снарядлар қотирилади; 2 - оғирликлар билан машқ ўтказиш учун предметлар (гирялар, патрон яшиклари); 3 - штанга билан машқ қилиш учун ёғоч «помост»лар (2х3); 4 - энгаштирилган доскалар (узунлиги 2,2 м., эни 30 см.); 5 -оёқ учун таянчлари бўлган гимнастика скамейкалари (баландлиги 35 см); 6 – кўп.


Тўсиқлардан ўтиш жойи.

Тўсиқлардан ўтиш жойи қуйидагиларни ўз ичига олади.

- старт;
- тезлик олиш учун 20 метр жой;
- хандак;

- қия тахтали девор;
- бузилган кўприк;
- бузилган зинопоя;
- ғиштли девор;
- 2 метр кенгликдаги югуриш йўлакчаси;

Тўсиқлардан ўтиш жойини умумий узунлиги 100 м бўлиши керак.



Ягона тўсиқлар қатори.

1 - тўсиқлар қаторининг бошланиш линияси; 2 - тез югуриш учун участка; 3 - чуқурлик (юзасини эни 2 м; 2,5 м; 3 м; чуқурлиги 1 м); 4 - лабиринт (эни 2 м, бўйи 1,1 м; йўлакчалар ораси 0,5 м; йўлакчалар сони 10 та); 5 - девор (баландлиги 2 м; қалинлиги 25 см); энгашган тахта билан (тахта узунлиги 3,2 м., эни 25-30 см); 6 - бузилган кўприк (баландлиги 2 м). Бу кўприк 3 та тўғри бурчакли 0,2 х 0,2 балкалар бўлакларидан иборат; биринчисининг узунлиги 2 м, иккинчиси 3,8 м; бошидан 135 градусли бурилишгача 1 м; учинчиси 3,8 м; бошидан 135 градусли бурилишгача 2,8 м; балкалар орасидаги узилишлар катталиги 1 м, иккинчи бўлак бошида ва учинчи бўлак бошида ва охирида вертикал нарвонлар мавжуд бўлади; 7 - бузилган пиллапоя (эни 2 м, поғоналар баландлиги 0,8 м, 1,2 м, 1,8 м поғоналар ораси 1,2 м; охирги поғонада 2,3 м.ли пиллапоя; 8 - ғишт девор (баландлиги 1,1 м, эни 2,6 м, қалинлиги 0,4 м); иккита кўзи бор: пасткиси 1х0,4 м., усткиси 0,5х0,6 м., ғишт девор остида 2,6х3 м.ли - майдонча бор; 9-кудук (чуқурлиги 1,5 м., эни 1 м) ва алоқа йўли (узунлиги 8 м, бир бурилиш билан); 10-траншея (чуқурлиги 1,5 м); 11-югуриш йўлакчаси (эни 2 м).

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича қуйидаги мавзулар кўргазмали ташвиқот воситалари (стендлар) билан жихозланиши керак:

- Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлар турлари;
- улар Ватан учун хизмат қилмоқдалар;
- мардлар қўриқлайди Ватанни;
- бизнинг битирувчилармиз - ҳарбий билим юртлари

курсантлари.

Бундан ташқари, «Ватанпарвар» газетаси учун витрина жихозланиши тавсия этилади.

Жанговар ва меҳнат шухрати музейи ёки хонаси (бурчаги) ташкил қилиш мумкин.

Ўқув юртларида ўқув-моддий техник база ҳолати қуйидагича баҳоланади.

«Аъло»- агар ўқув юртида жихозланган ЧХТ хонаси, қурол сақлаш хонаси, тир, тактик тайёргарлик ва фуқаролар химояси бўйича машғулотлар учун ўқув майдончаси саф тайёргарлиги ва отиш қоидаларини ўрганиш учун ўқув жой, посбон ва соқчи мажбуриятларини амалий ўрганиш жойи, ўқув қуролларини тозалаш ва мойлаш учун, амалий-жисмоний тайёргарлик учун гимнастика шаҳарчаси, ягона тўсиқлар мажмуи, шунингдек, ўқув қуроллари бўлса ва ҳисобини юритиш белгиланган талаблар асосида олиб борилса;

«Яхши»- агар юқорида айтиб ўтилган ўқув-моддий базасининг турдан ташқари барча элементлари бўлса, ўқув қуролларини сақлаш ва ҳисобини юритиш белгиланган талаблар асосида олиб борилса;

«Қониқарли» - агар ўқув моддий базасининг тир ва машғулотлар учун бирор бир жойидан ташқари барча элементлари бўлса, ўқув қуролларни сақлаш ва ҳисобини юргизиш талаб даражасида олиб борилса;

«Қониқарсиз» - агар ўқув моддий база ҳолати «Қониқарли» баҳо қўйишга имкон бермаса ёки ўқув қуролларини сақлаш ва ҳисобини юргизиш белгиланган талабаларни қўпол бузиш билан олиб борилса.

Ўқув юрти ўқув моддий базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш перспектив (5 йил) ва йиллик режалар асосида олиб борилади. Ўқув моддий базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг перспектив режасида қуйидагилар кўрсатилади:

- ўқув моддий базани ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича асосий тадбирлар;

- керакли бўлган моддий восита ва маблағлар;

- бажариш муддати ва жавобгар шахс.

Режа ўқув юрти директори ва ЧХТ раҳбари томонидан имзоланади. Перспектив режа ўқув юрти бўйсунадиган Халқ таълими бўлими томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўқув моддий базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг йиллик режаси. Ўқув юртида белгиланган шаклда ўқув йилига ишлаб чиқилади ЧХТ раҳбари томонидан имзоланди ва уни ўқув юрти директори тасдиқлайди.

2. Ўқитишнинг техник воситалари ўқув юрти ўқув-моддий базасини муҳим элементларидан бўлиб, ўқитиш жараёнида қўлланиладиган техник восита ва жихозларни назарда тутади. ЧХТ хонасини замонавий диапроектор, кинопроектор, телевизор, магнитофон, видео ва аудио жихозлар билан таъминланган бўлиши керак.

Кўргазма – педагогиканинг муҳим тамойилларидан бўлиб, унга мувофиқ, дарсда кўрилатган аниқ образлар ўқувчилар томонидан ўрганилатган материални яхши ўзлаштирилишига имкон беради. Дарсларда кўргазмали қўлланмалар ва техник воситаларни қўллаш ўқувчилар диққатини эшитиб қабул қилишдан, кўриб қабул қилишга ўтказди ва шунингдек, уларни навбатдаги ўқув материални эшитиш

орқали чуқур фикрлаб қабул қилишга тайёрлайди ва уларни билим олиш фаолиятини яхшилайти. Кўргазма, айниқса ЧХТ машғулотида алоҳида ўрин тутаети, чунки унинг энг асосий вазифаларидан бири аскарнинг жанг майдонидаги ишончли ҳаракатлари учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни ўқувчи ёшларда шакиллантирда ёрдам беради.

У ёки бу кўргазмали қўлланмани, ўқитишнинг техник воситаларини қўллашнинг педагогик самараси ўқувчиларнинг улар билан фаол ишлашларига боғлиқ. Таълим бериш жараёнида ўқувчиларни мураккаблиги жихатдан уларга тушунарли бўлган макет, модел ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлашга жалб қилиши мумкин.

Дасрга кўргазмали воситаларни тайёрлаш, ўз ичига фақат зарур бўлган воситалар, плакат, макет, ўқув куролларини танлаш ёки тайёрлаш ва ўқитишнинг техник воситалари созлигини текширишнигина эмас, балки кўргазмали воситаларни қўллаш услубиётини ҳам тахлил қилишни ўз ичига олади;

- воситани қўллаш мақсадини белгилаш;
- унга ажратилган вақтни белгилаш;
- кўргазмали воситани дарс жараёнидаги ўрни ва бошқалар.

У ёки бу кўргазмали қўлланмани, ўқитишнинг техник воситаларини қўлашнинг мақсадга мувофиқлиги охир-оқибатда ўқув вақтини тежаш, дарснинг фойдали тасири коэффициентини кўтаришдан иборатдир.

Агар кўргазмали воситаларни қўллаш дарс вақтини тежашга имкон бермаса, буларни нотўғри танланганини, қўлланганлиги ёки умуман бу дарсда кераксиз эканлигидан далолат беради.

2-боб бўйича хулосалар

Ҳар бир ўқув муассасасида ярим йил ёки бутун ўқув йили учун чақириқча ёшларни тайёрлашнинг ҳафталик (ойлик) режаси тузилади. Дарс жадвалида ушбу фанга ажратилган ўқув соатлари кўрсатилади.

Машғулотларни ташкилий жihatдан яхши уюштириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари талабларини ўқувчиларга амалий жihatдан сингдириш мақсадида ўқув муассасаси директорининг буйруғига асосан гуруҳларда ўқув гуруҳлари ва секциялари ташкил қилинади. Алочи, интизомли ўқувчилардан гуруҳ ва секция бошлиқлари тайинланади.

Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларида олган билим, кўникма ва малакалари дарсдан ташқари ўтказиладиган қуйидаги тадбирлар орқали мустаҳкамланади:

- ҳарбий иш асосларини ўргатувчи тўғараклар ва спортнинг ҳарбий-амалий турдаги шўъбаларини ташкил этиш;
- ҳарбий-спорт мусобақалари, ҳарбий ўйинлар ўтказиш ва ташкил қилиш;
- ўқувчиларни ўқув юртидан ташқари ҳарбий - техника, спорт-соғломлаштириш ва бошқа йўналишдаги муассасаларга жалб қилиш.

Чақириқча ҳарбий таълим бўйича дарсдан ташқари машғулотлар ва тадбирларни саф қоидалари мавзуини ўрганишдан бошлаш тавсия қилинади. Ҳарбий раҳбар ва ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатлар.

III. БОБ. ТАДҚИҚОТ СИНОВ НАТИЖАЛАРИ

III.1§. Экспериментал ва назорат гуруҳларида ЧҚБТ машғулотларида талабаларнинг ўзлаштириш ва сифат меъёрларини аниқлаш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари ва қиёсий таҳлиллар.

Чақириққача қадар бошланғич таълим фани ва талаба ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёни кўп қиррали, ҳамда тизимли жараён бўлиб, у ёшларнинг ҳар томонлама (ахлоқий-рухий, мафкуравий, жисмий ва ҳарбий-техник) ривожланишини таъминлаб берувчи таълим-тарбия жараёнларидан таркиб топади.

Ўқувчи ёшларнинг Республикамиз Қуролли Кучларига тайёрлаш тизимида бошқа умумтаълим фанлари билан бир қаторда, ЧҚБТ машғулотларининг ҳам ўз ўрни бор. ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси жараёнлари бир-бири билан узвий боғланган, яхлит тушунча бўлиб, чақирилувчи ёшларни ҳарбий хизматга алоқадор барча ҳарбий-касбий малакаларни шакллантиришда, уларнинг ҳар иккаласи ҳам бирдек аҳамиятлидир. Мамлаатимизнинг ҳар томонлама (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий) ривожлантиришда, Республикамиз чегараларининг мустаҳкамланишида Қуролли Кучларимизнинг тутган ўрни жуда муҳим омил саналади. Чунки юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, унинг ривожланишини таъминловчи воситадир. Шундай экан эртанги кун ватан химоячиларини юксак даражадаги ҳарбий техник, жисмоний ва мафкуравий тайёргарлиги Қуролли Кучларимизнинг эртанги кунини белгилаб беришини ҳар-бир педагог-ўқитувчи, раҳбар доимий равишда ёдда тутиши лозимдир.

Ўқувчи ёшларни ҳарбий тайёргарлиги ишлари ҳозирги кунда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири экан, асосий эътиборни ёшларни таянч ҳарбий тайёргарлигига қаратмоғимиз, мантиқий жихатдан энг тўғри йўл ҳисобланади. Чунки уларнинг эртага

қандай инсон, ёки мутахассис бўлиб етишишлари, бугунги кунда биз амалга ошираётган таълим-тарбия жараёнининг қай даражада ташкилланаётгани ва олиб борилаётганлигига боғлиқдир.

Ушбу магистрлик диссертацияси доирасида амалга оширилган тадқиқотимизнинг асосида ўқув муассасаларида ЧҚБТ машғулотларини ташкил этиш ва режалаштиришнинг услубий-педагогик жиҳатларини ўрганиш, уни янада ривожлантиришнинг самарали йўллари излаб топиш, ёшларнинг ЧҚБТ машғулотларига бўлган қизиқишларини ошириш муаммоси туради.

Шу муносабат билан илмий тадқиқот бўйича экспериментларни амалга ошириш мақсадида Қува туманидаги аграсаноат коллежини танлаб, у ерда таълим олувчи ёшлар билан экспериментал гуруҳлар (n_1-25) ташкил этиб, махсус дастур асосида машғулотларни амалга оширдик. Амалга ошириладиган экспериментал машғулотларнинг услубий ва сифат натижаларини таққослаш ва тегишли хулосаларга келиш мақсадида ушбу коллеж талабаларидан назорат гуруҳларини ҳам (n_2-25) танладик.

Дастурда назарий жиҳатдан – ЧҚБТ фани бўлимлари, уларнинг мамлакатимиз мудофаасини таъминлашда, чақирилувчи ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беришга ҳаракат қилдик. Жумладан, коллеждаги ёшларни айнан ёш хусусиятлари бўйича бир хил икки гуруҳга бўлдик. Ҳар бир гуруҳ категорияси учун уларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний имкониятларига мос талабларни қўйиб, экспериментал машғулотларни ташкил этдик. Машғулотлар бир ўқув йили мобайнида (2012-2013) олиб борилди.

Экспрементал машғулотлар натижасида тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси натижалари бўйича таҳлилий, ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи, сифат, (1-

жадвал) статистик ва дисперсион кўрсаткичлари (2-жадвал) критериялари бўйича таҳлилий-математик кўрсаткичлари қиёсланди.

Натижалар шуни кўрсатдики машғулотларни илмий жихатдан тўғри ташкиллаш, машғулотларни зарур деб ҳисобланадиган омиллари эътиборга олган ҳолда режалаштириш, машғулотлар жараёнида ўқитишнинг техник воситалари ва ўқув моддий базасидан самарали фойдаланиш ва таълим- тарбия жараёнига янги услубий технологияларни мақсадга мувофиқ тадбиқ эта олиш унинг сифата ва самарадорлигини таъминлар экан.

(1-жадвал)

Талабаларнинг ЧҚБТ ва ХВТ бўйича ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичи

т/р	Гуруҳлар	Респондентлар сони	Тажриба бошида		Тажриба охирида	
			Ўзлаштириш кўрсаткичи	Сифат кўрсаткичи	Ўзлаштириш кўрсаткичи	Сифат кўрсаткичи
1	Назорат гуруҳи	25	4.02	84	4.08	88
2	Тажриба гуруҳи	25	4.03	84.4	4.56	92

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги юқори самарага эришиш кўрсаткичи бўйича қуйидаги натижалар қайд қилинган.

(1^а -жадвал)

**Талабалар ривожланишининг ўртача миқдор ва сифат
даражалари**

Эришилган натижа	Назорат гуруҳларида				Тажриба гуруҳларида			
	Тажриба бошида		Тажриба охирида		Тажриба бошида		Тажриба охирида	
	Миқ дори	%	Миқ дори	%	Миқ дори	%	Миқ дори	%
Юқори	7	28	8	32	8	32	14	56
Яхши	10	40	11	44	12	48	7	28
Қониқарли	8	32	6	24	5	20	4	16
Жами:	25	100	25	100	25	100	25	100

Жадвалдан кўринадикки талабаларнинг экспериментал машғулотлардан сўнги ҳолати юқори 56%, ўрта 28% ва паст 16% ни ташкил этган, (Талабаларнинг сифат кўрсаткичи даражасининг тажрибадан олдинги ҳолати 1- ва 1-^а жадвалда акс эттиридган) кшрииниб турганидек анча ижобий натижалар олинган.

Тажриба ва назорат гуруҳларида эришилган натижалар динамикаси

Назорат гуруҳи

т/р	V-талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи	V ² -ўзлаштириш кўрсаткичининг ² даги ифодаси
1	5	25
2	5	25
3	4	16
4	3	9
5	3	9
6	3	9
7	3	9
8	5	25
9	4	16
10	5	25
11	5	25
12	5	25
13	4	16
14	4	16
15	4	16
16	5	25
17	3	9
18	4	16
19	4	16
20	3	9
21	4	16
22	4	16
23	4	16
24	5	25
25	4	16
п- 25	Σ V=102	Σ V ² =430

Қуйидаги формула ёрдамида талабаларнинг ўзлаштириш сифатининг дисперсия кўрсаткичи аниқланди.

$$1). X = \frac{\sum v}{n} = \frac{102}{25} = 4.08;$$

$$2). \alpha = \sum v^2 - \frac{(\sum v)^2}{\eta} = 430 - \frac{10404}{25} = 416.16 = 13.84;$$

$$3). \varsigma = \sqrt{\frac{\alpha}{\eta - 1}} = \sqrt{\frac{13.84}{24}} = \sqrt{0.57} = 0.75 ;$$

$$4). \int \chi = \frac{\varsigma}{\sqrt{\eta - 1}} = \frac{0.75}{\sqrt{25 - 1}} = \frac{0.75}{5} = 0.151;$$

$$5). cv = \frac{\varsigma * 100}{\chi} = \frac{0.151 * 100}{4.08} = \frac{15.1}{4.08} = 3.70;$$

Тажриба гуруҳи

т/р	V-талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи	V ² -ўзлаштириш кўрсаткичининг ² даги ифодаси
1	5	25
2	5	25
3	4	16
4	5	25
5	5	25
6	5	25
7	3	9
8	5	25
9	4	16
10	5	25
11	5	25
12	5	25
13	5	25
14	5	25
15	4	16
16	4	16
17	5	25
18	5	25
19	4	16
20	5	25
21	4	16
22	3	9
23	5	25
24	5	25
25	4	16
н- 25	Σ V=114	Σ V ² =530

$$\begin{aligned}
1). \quad X &= \frac{\sum v}{n} = \frac{112}{25} = 4.56; \\
2). \quad \alpha &= \sum v^2 - \frac{(\sum v)^2}{n} = 530 - \frac{12996}{25} = 519.84 = 10.16; \\
3). \quad \varsigma &= \sqrt{\frac{\alpha}{n-1}} = \sqrt{\frac{10.16}{24}} = \sqrt{0.42} = 0.65; \\
4). \quad \int \chi &= \frac{\varsigma}{\sqrt{n-1}} = \frac{0.65}{\sqrt{25-1}} = \frac{0.65}{5} = 0.130; \\
5). \quad cv &= \frac{\varsigma * 100}{\chi} = \frac{0.130 * 100}{4.56} = \frac{13.0}{4.56} = 2.85;
\end{aligned}$$

Назорат ва тажриба гуруҳларининг қиёсий таҳлили

$$6). \quad t = \frac{\chi^2 - \chi^1}{\sqrt{\int \chi^2 + \int \chi^2_1}} = \frac{4.56 - 4.08}{\sqrt{0.130^2 + 0.151^2}} = \frac{0.48}{\sqrt{0.16 + 0.22}} = \frac{0.48}{\sqrt{0.182}} = \frac{0.48}{0.42} = 1.14;$$

Назорат гуруҳи учун:

7). Сифат кўрсаткичи зичлиги:- $(\chi \pm \varsigma) \quad 4.08 + 0.75 = 4.83; \quad 4.08 - 0.75 = 3.33;$

8). Ўртача квадратик четлашиш кўрсаткичи:- $(\chi \pm \int \chi) \quad 4.08 + 0.151 = 4.23; \quad 4.08 - 0.151 = 3.92;$

Тажриба гуруҳи учун:

9). Сифат кўрсаткичи зичлиги:- $(\chi \pm \varsigma) \quad 4.56 + 0.65 = 5.21; \quad 4.56 - 0.65 = 3.91;$

10). Ўртача квадратик четлашиш кўрсаткичи:- $(\chi \pm \int \chi) \quad 4.56 + 0.130 = 4.69; \quad 4.56 - 0.130 = 4.43;$

Бу ерда: V-талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи

V^2 -ўзлаштириш кўрсаткичининг² даги ифодаси

X- Ўртача арифметик қиймат

$\sum V$ - Ўртача қиймат йиғиндиси

N.Талабалар сони

ς - Сифат кўрсаткичининг зичлиги

$\sum v^2$ - Ўртача қиймат квадрати йиғиндиси

1.8 - Ўртача квадратик оғиш кўрсаткичи

Юқоридаги таҳлил натижаларидан кўринадики ўқув ютида ЧҚБТ машғулотларини самарадорлигини таъминлашда ўқув-моддий базаси, ўқитишнинг техник воситалари, таълим жараёнини инновацион лойиҳалар асосида ташкиллаш билан бир қаторда, ўқитувчининг ўз фанига бўлган ижобий муносабати, изланувчанлиги ўзининг, маънавий, сиёсий, жанговор-техник, жисмоний ва энг муҳими услубий тайёргарлигини такомиллаштириб бориши, ЧҚБТ фанининг меъёрий талабларини чуқур англаб етиши, машғулотлар учун мос шакл ва услубларни танлай олиши, талабаларнинг ҳарбий касб сирларини пухтароқ эгаллашга бўлган қизиқишини ва масъулият хиссини оширади.

3-боб бўйича хулоса

1. Ўқув муассасаларида ЧҚБТ машғулотларини ташкил этиш ва режалаштириш, ҳамда уни самарали равишда таълим жараёнига тадбиқ этиш ишларини ўқув-услубий хусусиятларини ўрганиш муҳим муаммолардан бири бўлиб, уни ўрганиш натижасида талабалар фаолиятини маълум даражада ижобий томонга йўналтириш, уларнинг жисмоний соғлом, бақувват ва эпчил, маъавий баркамол, ватанга содиқ, ватанпарвар шахс бўлиб вояга етишларини таъминлашда маълум даражада ҳисса қўшиш имконияти яратилади.

2. Юқорида келтирилган саволномалар асосида ёшларда ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларига нисбатан намоён этиладиган қизиқишлар даражаси ва муносабат меъёрини ўрганиш имкони яратилди. Экспериментал тадқиқот натижаларини таққослаш ва асосли ижтимоий-психологик натижаларга эга бўлиш мақсадида назорат гуруҳлари ҳам танланди.

3. Ёшларда ЧҚБТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ишларига нисбатан ижобий муносабатлар шаклланишида уларнинг қизиқишлари

даражасини ўрганиш учун Кондашнинг “хавотирланиш шкаласи” методикасидан фойдаландик. Бу шкала шахсдаги у ёки бу кечинма, қониқиш симптомини эмас, балки, ижтимоий фаолликлари даражасини баҳолайди. У ёшларнинг ижодий фаолият манбааларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

4.Экспериментал машғулотлар давомида тажриба гуруҳларидаги ўсмирларнинг билим даражасинин сифат кўрсаткичи зичлиги:- $(\chi \pm \varsigma)$:-
 $(\chi \pm \varsigma)$ $4.56+0.65 = 5.21$; $4.56-0.65 = 3.91$, ўртача квадратик четлашиш кўрсаткичи:- $(\chi \pm \int \chi)$ $4.56+0.130 = 4.69$; $4.56-0.130 = 4.43$; га ўзгарганлиги кузатилди.

Якуний Хулоса

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кенг кўламли ислохатлар жараёни кечмоқда. Таълим тизимида амалга оширилаётган ишларда бу айниқса яққол кўзга ташланади. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ёшларимизнинг билими ва салоҳиятига боғлиқ. Табиийки, биз уларга қанчалик чуқур, пухта таълим берсак, эртанги кунимиздан умидимиз шунчалик катта бўлади.

Президентимиз томонидан “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур” имзолангандан сўнг, мазкур дастурни бажариш ва миллий истиқлол мақсади ва ғояларни рўёбга чиқарадиган соғлом ёш авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, кучли ҳамда соғлом инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида улкан вазифалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов айтиб ўтганларидек, ҳар бир авлод ўз юртининг тарихини ва обрўйини, ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.

Мана шу сўзлар, буюк мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, бизлар ҳам ўз олдимизга асосий вазифаларни белгилаб олишимиз керак.

Бизнинг асосий вазифамиз – мана шу мустақил Вананни жон-жонидан севувчи, унинг равнақи ва озодлиги, халқи учун жасоратга, керак бўлса жонини фидо этишга тайёр бўлган, элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган мард ўғлонларни, ўзбек ватанпарварларини тарбиялаб вояга етказишдир. Биз бу олижаноб мақсадларга ёшларнинг чақириқча тайёргарлиги ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини тўғри ташкил этиш ва уни юксак савияларда ўтказиш орқали эришишимиз мумкин.

Бугунги кунда таълим тизимида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил этиш бўйича бир қатор долзарб муаммолар турибди.

Шу борада давлатимизнинг Республикадаги академик лицей, ўрта махсус ва касб хунар коллежларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, чақириқча ёшлар тайёргарлиги фанини ўқитилишини янада яхшилаш чора тadbирлари тўғрисидаги бир қатор қарорлари мавжуд.

Ушбу қарорларнинг асосий мазмуни ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва чақириқча ёшлар тайёргарлиги фанини ўқитилишини самарадорлигини ошириш каби вазифалардан иборат.

Юқорида айтиб ўтилган қарорлар ва ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдаги баъзи бир муаммолардан келиб чиққан ҳолда, биз юқоридаги айрим фикрларни ва тавсияларни айтиб ўтишни ўзимизга жоиз деб билдик.

Биз умид қиламизки, агар чақириқча ёшлар тайёргарлиги ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг йўналишлари асосида олиб борилса, ўқув – тарбия жараёнини тўғри ташкил этишга, уни самарали ўтказишга яқиндан ёрдам беради ва ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини янада юқори савияларга кўтаришга имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги” Қонун. 1997 йил 29 август.
2. Ўзбекистон Республикасида “Олий ўқув юртларига абитуриентларни тест усулида ўқишга қабул қилиш ҳақида” ги Қонуни. 1992 йил 5 март.
3. ЧҚБТ дастури. Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 21 октябрдаги 396-буйруғи билан тасдиқланган.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари.

4. Каримов. И.А. “Баркамол авлод орзуси”. Т. Шарқ.1999 йил
5. Каримов. И.А. “Юксак малакали кадрлар – тараққиёт манбаи”. Т. Ўзбекистон. 1996 йил
6. Каримов И.А. “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т. Ўзбекистон. 1997 йил
7. “Милий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари”. Т. 2000. 11-15-саҳифа

III. Асосий адабиётлар.

8. Национальная программа по подготовке кадров. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. - Т. Шарқ. 1997 год
9. Азизхўжаева Н. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”. Т. 2002 йил
10. Фарберман Б. Л. “Илғор педагогик технологиялар”.Т. 2002 йил
11. Расулова Л.Ш. “Янги педагогик технологиялар”. Қўлланма. Фарғона. 2002 йил
12. Йўлдашев Ж. Ҳ. “Янги педагогик технологиялар: йўналишлар, муаммолар, ечимлар”. Халқ таълими журнали. 1997 йил №4-сон.

13. Саидахмедов Н, Умаров С. Халқ таълими ходимлари ва ўқитувчилар учун “Янги педагогик технологиялар назарияси ва амалиёти” курси бўйича синов ўқув мавзувий режаси. Т. 2000 йил
14. Энди Г. Камолов Н. “Интенсивные методы обучения”. Т. 1997 год
15. Селевко Г.К. “Замонавий ўқитиш технологиялари”. Халқ таълими
16. Азизхўжаева Н. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”. Т. 2002 йил

IV. Қўшимча адабиётлар.

17. Фарберман Б.Л. “Прогрессивные педагогические технологии”. Т. 1999 год
18. Селевко Г.К. “Современные образовательные технологии”. Учебное пособие - М. Народное образование. 1998 год
19. Кларин М.В. “Педагогическая технология в учебном процессе”. М. Знание. 1989 год
20. Саидахмедов Н, Очилов М. “Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойихаси”. Т. ХТБ РТМ. 1999 йил
21. Азизхўжаева Н. “Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси”. Т. 2000 йил
22. Бабанский Ю.К. “Избранные педагогические труды”. – М. 1989 год

Иловалар

(1-илова)

“Тасдиқлайман”

Кува аграсаноат касб-ҳунар коллежи

директори А.Аббазов

2012 йил 28-август

Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари бўйича услубий кенгашнинг

ИШ РЕЖАСИ

т\р	Тадбирлар	Масъул	Бажар илиши ҳақида белгил ар.
1	2	3	4
	Август		
1.	Таълим муассасаси методик бирлашмаларининг режалаштириш ва фанлараро алоқа масалалари бўйича кенгайтирилган мажлис.	Директор	
2.	Методик комиссиянинг ҳарбий раҳбар, ЧҚБТ, жисмоний тарбия ўқитувчилари, шифокор ва синфдан ташқари ишлар ташкилотчисининг ҳамкорлигидаги иш вазифалари, шакл ва услублари масалалари бўйича йиғилиши.	Маънавият ва маърифат ишлари бўйича дир.ўринб осари	
	Сентябр		
1	Жисмоний тарбиядан, саф тайёргарлиги ва ЎР ҚК низоми билан ўзаро боғлиқ очик машғулоти ўтказиш.	Жисмоний тарбия ўқитувчиси. ЧҚБТ раҳбари	
2.	Гуруҳ ва секция командирлари билан, уларнинг жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари бўйича машғулоти ва синфдан ташқари ишлардаги ўрни ҳақида услубий машғулоти.	ЧҚБТ раҳбари	
	Октябр		
1.	Саф тайёргарлиги бўйича очик машғулоти: -	ЧҚБТ	

	жойдатуриб бурилишлар, шаҳдам билан қадам юриш.	рахбари	
2.	Услужий комиссия ва гуруҳ (синф) раҳбарларининг «Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганишнинг шакл ва услублари» масаласи бўйича қўшма йиғилиши.	Директор	
	Ноябр		
1.	Низомлар ва саф тайёргарлиги, жисмоний тарбия бўйича услужий ишланмаларни ўрганиш	Услужий комиссия	
	Декбр		
1.	ЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари бўй- ича машғулотларнинг ҳарбий ватанпарварликка йўналтирилганлигини янада ошириш йуллари ва усуллари мавзусида суҳбат	Ташкилот чи	
	Январ		
1.	Фуқаро ҳимояси бўйича машғулотларни ташкил қилиш ва ўтказиш услуби.	ЧҚБТ рахбари	
	Феврал		
1.	Туман МИБ га рўйхатга олиш учун юборилаётган ёшларга тавсифномаларни бирга қўриб чиқиш.	ЧҚБТ рахбари	
	Март		
1.	ЁЧҚБТ курси якунланишига бағишланган ҳарбий спорт байрамини ўтказиш бўйича ҳамкорликдаги ишлар тўғрисида тиббий билим асосларидан очиқ машғулот.	Услужий комиссия раиси	
2.	Тиббий билим асосларидан очиқ машғулот.	Шифокор	
	Апрел		
1.	«Ёшларни ЎР ҚК сафида хизматга тайёргарлигини аҳволи ва уни яхшилаш йўллари» маъруза мавзусининг муҳокамаси.	Услужий комиссия раиси	
	Май		
1.	ЁЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари бўйича машғулотларда қатнашиш.	Комиссия аъзолари	

Услужий комиссия раиси:

И.Мисиров.

“Гуруҳ, секция командирларини тайинлаш тўғрисида”

Тошкент шаҳар Авиасозлар касб-хунар коллежи бўйича

№ 2 - БУЙРУҚ

«10» сентябр 2012 йил.

Каттақишлоқ қишлоғи.

Ўзбекистон Республикасининг ўсмирларни чақириқча тайёрлаш тўғрисида Низомига мувофиқ чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни, тиббий билим асослари ва жисмоний тарбия бўйича машғулотлар ва синфдан ташқари тадбирларни юқори савияда ташкиллаш ва ўтказиш, ҳамда ўқувчиларда низом талабларини бажариш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида.

БУЙУРАМАН

1. 3-курслар (11-синфлар) (таълимнинг иккинчи йили) гуруҳларнинг рақамланиши аввалги тартибда қолдирилсин.

2. 2-курсларни (10-синфларни): 10 «А» - 1-гуруҳ; 10 «Б» - 2-гуруҳ; 10 «В»- 3-гуруҳ деб номлансин.

3. Гуруҳ командирлари этиб: 1-гуруҳга ўқувчи Носиров Ботир; 2-гуруҳга-Жонбоев Мақсуд тайинлансин.

4. Ҳар бир гуруҳда учтадан секция ташкил этилсин. Секция командирлари этиб: 1-гуруҳда ўқувчилар Мансуров Ш., Комилов П., Асқаров А. лар тайинлансин.

2-гуруҳда ўқувчилар Очилов М., Рустамов В., Солиев К. лар тайинлансин.

5. ЧҚБТ раҳбари, гуруҳларда саф ҳисоби ўтказсин ва ҳар бир ўқувчининг сафдаги ва ҳарбий хонадаги ўрнини белгилаб берсин.

6. ЧҚБТ раҳбари, тиббий билим асослари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари ўқувчилар сафда ва ҳарбий хонада жойлашган вақтда,

улардан ўз ўрнини эгаллашни, интизомни сақлашни ва хушмуомилаликни, шунингдек кийим-бош шаклларига амал қилиш ва бўйруқларни аниқ бажаришларини талаб қилсинлар.

7. Гуруҳ ва секция командирлари ЧҚБТ раҳбарига, тиббий билим асослари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларига, машғулотларда ва синфдан ташқари тадбирларни ўтказишда, ўқувчилар ўртасида интизомни сақлашда, ўқув-моддий базани яратиш ва такомиллаштиришда ёрдам берсинлар; ўқишда ва ижрочиликда намуна бўлсинлар; ўқув вақти ва синфдан ташқари тадбирларни ўтказиш чоғида ўқувчиларнинг қаердалигидан бохабар бўлсинлар.

8. Гуруҳ ва секция командирлари билан методик машғулотларни ҳар ойнинг охириги шанбасида ўтказилсин.

9. Бўйруқ барча ўқувчиларга етказилсин.

Мазкур бўйруқнинг бажарилиши устидан назоратни лейтенант Бурҳоновнинг зиммасига юклатилсин.

Қува аграсаноат касб-хунар коллежи

Директори: А.Аббазов

(3- илова)
 “Тасдиқлайман”
 Кува аграсаноат касб-ҳунар коллежи
 директори А.Аббазов
 2012 йил 28-август

**ЧҚБТ раҳбарининг 2012-2013 ўқув йили учун
шахсий иш режаси.**

№	Тадбир номи	Сана	Ўтказилган ой
1	2	3	4
	1. Ташкилий ва режа ҳужжатларини тайёрлаш		
1	Чақириққача қадар бошланғич тайёргарлик фанини бошлаш ҳақида Буйруқ лойиҳасини тайёрлаш	28.08 гача	
2	Ҳарбий ватанпарварлик ва синфдан ташқари иш-ларни ташкил этиш, ўқув-моддий базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш	28.08 гача	
3	ЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари бўйича методик комиссия иш режасини тузиш	30.08 гача	
4	Гуруҳ ва секция коман-дирларини тайинлаш ҳақида буйруқ лойиҳасини тайёрлаш	30.08 гача	
5	Мудофаа оммавий ишлар ойлиги режасини тузиш	10.12 гача	
6	ЧҚБТ курси тугалланишига бағишланган ҳарбий спорт байрамини тайёрлаш ва ўтказиш ҳақида буйруқ лойиҳасини тайёрлаш	Апрел	
7	ЧҚБТ курси тугалланишига бағишланган ҳарбий спорт байрамини ўтказиш режасини тузиш	Апрел	
8	ЧҚБТ курси тугалланиши ҳақида буйруқ лойиҳасини тайёрлаш	Июн	
9	ЁЧҚБТ аҳволи ҳақида ҳисобот тузиш	Июн	
10	2. Шахсий тайёргарлик		
11	Ёшларни Ўз. Рес. ҚК сафидаги хизматга тайёрлаш	Доимий	

	бўйича Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазири, ХТББ, АЛ ва КХК боқарма бошлиқлари, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғининг фармонлари, буйруқ ва талабларни ўрганиш		
12	Ўз. Рес. Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хиз- мат тўғрисида» ги Қонунларни ўрганиш ва конспектлаштириш.	30.09 гача	
13	Ўз. Рес. Президенти, давлатнинг бошқа раҳбарлари асарларини ўрганиш ва конспектлаштириш	Доимий	
14	Темур тузукларини ўрганиш	Декабр	
15	3. Ўқув-методик ишлар	Доимий	
16	Ўқув машғулотлари	Режа асосида	
17	Ўзлаштира олмаган ва дарс қолдирган ўқувчилар билан қўшимча машғулотлар ўтказиш	Машғул отлар олдидан	
18	Машғулотларга тайёргарлик	Ҳар куни	
19	Туман мудофаа ишлари бўлими режаси бўйича ўтадиган бир кунлик методик машғулотларда қатнашиш	Ҳар ойда	
19	Туман ХТБ, АЛ ва КХК боқарма бошлиқлари методисти режа бўйича ўтадиган бир кунлик методик йиғинлардақ қатнашиш	Ҳар ойда	
20	Туман МИБ ўтказадиган 5 кунлик ўқув-методик йиғинларда қатнашиш.	Август	
21	ЧҚБТ, жисмоний тарбия ва тиббий билим асослари бўйича методик комиссия ишида қатнашиш.	Ҳар ойда	
22	Туман МИБ методик кенгаши яқка тартибдаги топшириқларини бажариш	Режа асосида	
23	4. Ватанпарварлик ва синфдан ташқари ишлар	Режа асосида	
24	Йиллик режа асосида тадбирларни бажариш	Сентябр -июн	

25	Иккинчи жаҳон уруши катнашчилари, байналминал жангчилар ва Ҳ/Қ ҳарбий хизматчилари билан учрашув ўтказиш	Январ	
26	Оммавий - мудофаа ойлигини ўтказиш	Декабр	
27	Хотира ва қадрлаш кунини тайёрлаш ва ўтказиш	Май	
28	Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба кунига бағишланган жасорат дарсини ўтказиш.	Май	
29	Ҳарбий мавзудаги суҳбат ва маърузаларни ўтказишда қатнашиш	Сентябр -июн	
30	ЧҚБТ мавзуси бўйича фильмлар намоишини ташкил этиш	Ҳар ойда	
31	ЧҚБТ курси тугалланишига бағишланган ҳарбий спорт байрамини ўтказиш	Май	
32	Отиш тўғарагига раҳбарлик	Доимий	
33	Отиш, спортнинг ҳарбий-амалий турлари ва фуқаро ҳимояси бўйича мусобақани тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиш	МИБ режаси бўйича	
34	Чақирув ёшида бўлган ўқувчиларга тавсифнома ёзишда қатнашиш	Битирув арафаси да	
35	5. Ўқув моддий базани такомиллаштириш бўйича ишлар	Режа асосида	
36	Йиллик режа асосида ўқув-моддий база объектларини бириктириш	сентябр -июн	
37	Ўқувчилар секцияларига ўқув-моддий база объектларини бириктириш	15.09 гача	
38	6. Умумтаълим даражасини ошириш	Доимий	
39	Музей, театр ва кино-театрларда бўлиш	Доимий	
40	Ҳарбий мавзудаги телекўрсатувларни кўриб бориш	Доимий	
42	Ҳарбий, педагогик ва бадиий адабиётларни ўқиш	Доимий	

(4-илова)

**“Кичик калибрли винтовкадан отиш машқларини ўтказиш
тўғрисида”**

Қува аграсаноат касб-хунар коллежи бўйича

№ 4 БУЙРУҚ

“12” феврал 2013 йил.

Каттақишлоқ қишлоғи.

Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлигини 2012-2013 -
ўқув йили учун тузилган ҳафталик режасига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ҳарбий раҳбар, ЧҚБТ лейтенант И.Бурҳонов 2013 йилнинг 25-мартида биринчи ва иккинчи гуруҳ ўқувчилар билан отиш жойида (тир) кичик калибрли винтовкадан 1-отиш машқини 10.00 дан 13.00 гача ўтказсин.

2. Машғулотда ўтказишда тўртта ўқув жойи ташкил этилсин:

Биринчи-кичик калибрли винтовкадан машқларни бажариш жойи;
иккинчи кичик калибрли милтиқ дан отиш усул ва қоидалари машқини бажариш жойи; **учинчи**-хавфсизлик чораларини, машқларни бажариш тартиби ва қоидаларини ўрганиш жойи; **тўртинчи** – кичик калибрли милтиқ қисмларини ўрганиш;

Кичик калибрли милтиқдан биринчи машқни бажаришга фақат хавфсизлик чораларини, отиш усул ва қоидаларини қатъий ўзлаштирган ва отишга тайёр ўқувчиларгина қўйилсин.

Отиш усул ва қоидаларини эгалламаган, хавфсизлик чоралари ва отиш шартларини қатъий билмаган ўқувчилар билан отиш тўғрагида қўшимча машғулотлар ташкил этилсин ва бу машқни бажариш

чақирикқача тайёрлаш бўйича синфдан ташқари тадбирлар учун ажратилган вақтга белгилансин.

Машқни бажариш учун 077795, 075976 рақамли ТОЗ – 8 кичик калибрли милтиқлари ва уларга ажратилан ўқ-дориладан отиш машқ шартларига мувофиқ равишда фойдаланилсин.

Патронларни рўйхатдан чиқариш далолатномаси 2008 йил 26 – март куни соат 16.00 гача тақдим этилсин. Отиш раҳбари этиб ЧҚБТ раҳбари, И.Бурҳонов тайинлансин. Машғулотлар тиббий таъминоти ҳамшира Л.Шукурова зиммасига юклатилсин. ЧҚБТ раҳбари ва ҳамшира йўл - йўриқ ва кўрсатмалар олиш учун йил 20 - март куни соат 10.00 га қабулимга келсинлар.

Мазкур буйруқ бажаралиши юзасидан назорат ЧҚБТ раҳбари

И.Бурҳоновзиммасига юклатилсин.

Қува аграсаноат касб-ҳунар

коллежи директори:

А.Аббазов

**“Уч кунлик ўқув-дала машғулотларларига тайёргарлик кўриш
ва ўтказиш тўғрисида”**

Тошлоқ аграсаноат касб-хунар коллежи бўйича

№ 5 БУЙРУҚ

«2» феврал 2013 йил.

Катта қишлоқ қишлоғи.

Ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги дастури, туман ХТБ мудирлари ва Академик лицей ва касб-хунар коллежлари бошқарма бошлқларининг буйруғига мувофик, ЧҚБТ дарсларида эгаллаган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, қизлар билан тиббий билим асосларини машғулотларини ўтказиш мақсадида

БУЙУРАМАН:

1.3-курс (11-синф) ўқувчилари билан уч кунлик ЎҚЙ таълим муассасаси базасида асосий дарслардан ажратилган ҳолда 2013 йилнинг 20-апрелидан 24-апрелигача ўтказилсин.

2. Тиббий билим асослари бўйича машғулотлар туман (шаҳар) поликлиникасининг базасида ўтказилсин.

3. Кийим-бош шакли: ЧҚБТ раҳбари учун - Дала-ўқув машғулотларига мос кийим.

4. ЧҚБТ раҳбари: лейтенант И.Бурҳонов

- хавфсизлик қоидалари бўйича машғулотларни ўтсин, эътиборни олиш чоғида хавфсизлик чораларига амал қилишга қаратсин; ҳар бир ўқувчини синовдан ўтказсин;

-уч кунлик дала-ўқув машғулотлари (йиғинларини)ни ўтказиш учун жадвал, машғулот ўтиш режалари ва ўқув-моддий базани тайёрласин;

- хавфсизлик қоидалари, саф тайёргарлиги, ва дастурнинг бошқа бўлимлари бўйича синов қайдномаларини тайёрласин;

-машғулотларни ўтказиш учун тайёргарлик, моддий-техник таъминот бўйича менга 2013 йилнинг 15-апрел куни ахборот берилсин;
сана

5. Гурух (синф) раҳбарлари ўқувчиларнинг машғулотларда қатнашишини таъминласинлар.

6. Мазкур бўируқ, бажарилиши устидан назоратни таълим муассасасининг ЧҚБТ раҳбари лейтенант И.Бурҳонов зиммасига юклатилсин.

Қува аграсаноат касб-хунар

коллежи директори:

А.Аббазов.